2005 YIL 20 SENTYABR, SESHANBA

# Qishloq HAYOTI

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan

№ 113-114 (6.951). Sotuvda erkin narxda

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,

Ўзбекистон Республикаси ҳудуди узра парвоз этиб, Ҳиндистонга қайтар эканман, Ҳиндистон ҳукумати ва халқи номидан ҳамда шахсан ўз номимдан Ўзбекистоннинг дўст халқига фаровонлик ва гуллаб-яшнашини тилаб билдирган самимий қутловларим ва эзгу тилакларимни йўллашга ижозат бергайсиз.

Манмохан СИНГХ,
Ҳиндистон Бош вазири

## Куннинг муҳим воқеалари

● Тошкентда ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) бўйича III Миллий саммит очилди. У «Ўзбекистонда ахборот-коммуникация технологиялари ҳафталиги - UzInfoCom-2005» доирасида ўтказилмоқда.

● Республика Киночилар уйида «Ўзбеккино» миллий агентлигининг «Ҳулкар-фильм» студиясида суратга олинган «Қуёшга интилиб...» ҳужжатли-бадиий фильмнинг премьераси бўлиб ўтди.

● Пойтахтимизнинг Эски шаҳар қисмида бунёд этилган Ўзбек либослари галереясида Республика миллий либослар фестивали бўлиб ўтди.

● Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида туман ва шаҳар хотин-қизлар қўмиталари раисларининг давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати қўшма мажлисидаги маърузасида белгиланган вазифалар ижросига бағишланган амалий семинар ва давра суҳбатларининг навбатдаги босқичи бошланди.

● Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги олдидан замонавий тарзда тубдан қайта таъмирланаётган Қарши болалар истироҳат боғида тирик табиат бурчаги ташкил этилди.

● Ўзбекистон Бадиий академияси Марказий кўргазмалар залида юртимизда ижод қилаётган корейс мусаввирлари асарлари кўргазмаси очилди.

● Республика Таълим марказида Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорликда ўқитишда интерфаол услублардан фойдаланиш ва коммуникация кўникмаларини шакллантиришга бағишланган семинар-машғулот бўлиб ўтди.

● Навоий шаҳридаги тиббиёт коллежининг спорт мажмуасида республика солиқчиларининг волейбол бўйича иккинчи чемпионати якунланди.

● Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Миллий биоэтика қўмитаси, ЮСАИД ва СиДиСи халқаро ташкилотлари ҳамкорлигида биоэтика масалаларига бағишланган биринчи миллий конгресс бўлиб ўтди.

● Жиззах шаҳрида бунёд этилаётган «Меҳр-мурувват» шаҳарчасида кўзи ожиз болалар махсус мактаб-интернатининг янги биноси қуриб битказилди.

# Пахтамиз 1 миллион тоннадан ошди







**Сариосиё тумани Бобур номли ширкат хўжалигидаги Нурулло Бўронов бошлиқ пудратчилар 55,5 гектар ерда пахта етиштирдилар. Улар гектаридан 30 центнер ўрнига биринчи теримданоқ 45 центнер ҳосил кўтаришиб, йиллик шартномавий режаларини ортиғи билан бажардилар. Йиғим-терим ишлари давом этмоқда.**

**СУРАТЛАРДА: терим ишларидан лавҳалар.**

*Б.АКРАМОВ олган суратлар.*

МАВСУМ

***Республикамизда пахта йиғим-терими қизғин паллага кирди. "Оқ олтин" хирмонлари кун сайин кўкка бўй чўзмоқда. Олинган тезкор маълумотларга қараганда, 19 сентябр ҳолатига кўра қабул масканларига келиб тушган хомашё 1 миллион 125 минг тоннадан ошиб кетди.***

Демак, йиллик шартномавий режанинг 31,25 фоизи уддаланди. Қувонарли томони шундаки, етиштирилган ҳосилнинг аксарият қисми юқори навларга мансуб. Бу пахтакорлар даромадининг юқори бўлишидан далолат.

Мавсумда пешқадамликни ҳамон Қорақалпоғистон Республикаси пахтакорлари ушлаб туришибди. Улар 127 минг 752 тонна юқори сифатли "оқ олтин" йиғиб-териб олиб, зиммаларидаги вазифанинг 69 фоизини адо этдилар. Хоразмлик миришкорлар эса шартномавий режанинг 50,6 фоизини уддалашди. Кейинги ўринларда қуйидаги вилоятлар боришаётир: Сурхондарё - 40,5, Андижон - 38, Қашқадарё - 34,2, Фарғона - 33,6, Бухоро - 28, Жиззах - 22,9, Сирдарё - 21, Самарқанд - 18,7, Наманган - 18,3, Тошкент вилояти - 10,3 фоиз миқдорида пахта тайёрлашди. Пахта йиғим-териминининг кунлик суръати бўйича бухороликлар илдамроқ. Улар кунига шартномавий режадаги хомашёнинг 6,30 фоизи миқдоридаги "оқ олтин"ни йиғиб-териб олишмоқда.

Маълумотдан кўриниб турибдики, айрим вилоятлар терим суръатини ошириш чора-тадбирларини кўришлари, «отлар»ини қамчилашлари керак. Чунки, фурсат ғанимат, бугунги қуёшли кунлар ҳам кутиб турмайди-да!

Ҳозирда Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Сирдарё вилоятлари далаларига пахта териш машиналари чиқарилган. Ҳолатни ўтган 2004 йилнинг айни куни билан таққосласак, бу борадаги ишларни жадаллаштириш ниҳоятда зарур. Техника доимо деҳқонга қанот бўлиб келган.

**С.РАҲМОНОВ**

МУАММО

***Айни пайтда мамлакат оммавий ахборот воситаларида Тожикистон алюминий заводини Россиянинг "Русский алюминий" компанияси сотиб олиши ва унинг ишлаб чиқариш қуввати янада ошиши хусусидаги чиқишларни тез-тез кузатаяпмиз. Бу ҳол каттаю кичикни ташвишга солмоқда.***

# Ҳалокатнинг олдини олмоқ шарт

– 1975 йили ишга туширилган ушбу завод атрофидаги ҳудудларда экологик ҳолатнинг бузилиши 1980 йилдан буён кузатилмоқда. Ваҳоланки, завод Ўзбекистон Республикаси чегарасидан атиги 10 километр узоқликда жойлашган, – дейди Соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари, давлат Бош санитария врачи Бахтиёр Ниёзматов Ўзбекистон Миллий матбуот марказида ўтказилган матбуот конференциясида. – 1988-1992 йиллари вазирлигимизнинг Акушерлик ва Гинекология, Гемотология ва қонни қайта қуйиш ҳамда санитария ва гигиена илмий-текшириш институтлари ўтказган тадқиқотлар чоғида айнан шу завод таъсирида, асосан, Сурхондарё вилоятининг Денов, Сариосиё ва Узун туманлари аёлларининг репродуктив саломатлигига путур етгани, болаларнинг жисмоний ривожланиши бузилгани, аҳоли ўртасида нафас олиш йўллари, сурункали бронхит, қон ва қон ишлаб чиқарувчи органлар, эндокрин системаси хасталиклари кўпайгани аниқланди.

Агар завод ҳозирда 350 минг тонна алюминий ишлаб чиқараётган бўлса ва "Русский алюминий" компанияси ҳомийлигида келгусида бу кўрсаткич икки баробарга ошса, бусиз ҳам минтақа аҳолиси саломатлигига солинаётган хавф янада даҳшатли тус олишини тасаввур этиш қийин эмас.

Конференция давомида заводнинг ишлаб чиқариш қуввати билан бирга атмосферага чиқараётган зарарли чиқиндилари ҳам ошгани сайин минтақада экология, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси катта зарар кўраётганига алоҳида урғу берилди. Масалан, заҳарли моддалар, жумладан, фторли водороднинг ҳаводаги миқдори меъёрдагидан 6-8 баробар кўпайди. Бунинг оқибатида ўсимликлардаги йод моддаси кескин камайиб кетди. Бу эса ўз навбатида фотосинтез жараёнининг бузилишига сабаб бўлди. Айниқса, сўнгги беш йил ичида Узун, Сариосиё ва Денов туманларида тупроқнинг фтор моддаси билан зарарланиши 16 баллга, сув ҳавзасиники эса 30 баллга етган.

Россиянинг КрАЗ ва БрАЗ сингари алюминий заводларидан ҳар бирининг тозалаш иншоотларини модернизация қилишга 2 миллиард АҚШ доллари атрофида маблағ ва талайгина вақт керак бўлади. Тожикистон алюминий заводининг ишлаб чиқариш қувватини ошириш ва яна бир янги алюминий заводини қуриш учун "Русал" компанияси атиги 1,5 миллиард АҚШ доллари ажратиши матбуотда айтилмоқда. Бундан заводда тозалаш иншоотлари барпо этилмаскан-да, дея хавотир туйишимиз табиий.

– Агар вазият шу тусда кечса, завод атрофидаги ҳудуд, шунингдек, зикр этилган уч туман экологик ҳалокат майдонига айланиши мумкин, – бу мутахассислар ва хорижий, маҳаллий журналистлар иштирокида бўлиб ўтган конференция хулосаси эди.

**Ф.МАҲКАМОВА**



**Мамлакатимизда тадбиркорликка кенг йўл очилганлиги боис Хўжаобод туманидаги Ҳожимурод номли хусусий ишлаб чиқариш фирмаси фаолиятини янада ривожлантирди.**

**Натижада бу ерда 70 нафар киши иш билан таъминланди. Корхона ишчиси Дилдора Ҳакимова жамоанинг фаолларидан бири.**

**Суратда: Д.ҲАКИМОВА.**

**А.ТОШМАТОВ олган сурат.**

# Оролбўйидаги мўъжиза

**Тўлепберген ҚАИПБЕРГЕНОВ,**
**Ўзбекистон Қаҳрамони.**

ВОДИЙЛАРНИ ЯЁВ КЕЗГАНДА...

***–Қорақалпоқ заминида бу йил пахта мўл. Мўъжиза дейсиз! Худди оппоқ қордай пахтазорга боқиб, ҳайратингни яширолмайсан. Худонинг бергани шу. Ризқимиз мўл бўлгани шу! Қорақалпоғистонда ҳеч қачон бу йилгидай далаларга қут-барака инмаган. Бунинг ўзи бўлгани йўқ, албатта.***

Ойни елкасида опичлаб, офтобни ўтовида меҳмон этиб, туну кун тинимсиз меҳнат қилган қорақалпоқ деҳқонининг худди шу оқ-ойдин далалар каби юзи ёруғ бўлиб, ўз меҳнати самарасини кўрадиган кунлар яқин қолаяпти. Бундан қувонмоқ керак. Қорақалпоғистонликлар ҳам пешқадамлардан бўлиб маррага яқинлашаяпти. Бу албатта обрў – каттаю кичикни ғурурлантиради. Ғалладан юқори ҳосил олдик, энди пахта режасини ҳам ғолиблик билан дўндирсак, гап бизники. Тўғриси меҳнатингнинг самарасини кўрмасанг, ўзинг қилган ишнинг натижаси сезилмаса, ҳар кимга ҳам оғир ботади. Елкангни қисиб, бошингни хам қилиб турасан. Ўзбекистон деган катта бир мамлакатнинг ажралмас қисми сифатида, бу Ватаннинг тўй-ю томошаси, зафар нашидасини сурган тантаналарида, шу юртга муносиб бўлиб кўкрагингни кериб, нигоҳинг билан ер чизмай дадил боқиб турмоққа нима етсин!

Худога шукр, бу йил Жайҳун соҳилида қақраган далаларга файз қайтди. Одамларнинг қалбида ишонч олови гуриллаяпти. Сув бор. Еримизда ҳосил бор. Боғларимизда барака бор. Полизларимизда қовун, тарвуз зиёда бўлди. Дастурхонга қут-барака инди. Фақат меҳнат туфайли. Ҳа, ҳаётимизга хотиржамлик, файз кирди. Ноинсофлик, халқ ризқини туя қилишнинг олди олинди. Мана, қилса бўларкан-ку, натижасини ҳамма кўриб турибди – ҳосил чўғи баланд.

Табиат ҳам бободеҳқонни сийлади. Йил яхши келди. Ишлар оби-тобида бажарилди, хуллас, ҳар бир иш ўз вақтида, айни кутилгандай ҳолда охирланди. Ҳамма бир жону бир тан бўлди, бир-бирига далда берди. Шундай бўлгач, бундай инсонларни замин ҳам улуғлайди-да!

Пахта – элимизнинг қуввати. Юртимизнинг куч-қудрати, оиланинг даромади. Пахта Ўзбекистон учун ғоят муҳим аҳамиятга эга хомашё. Пахтамиз кўп бўлса, юртимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни янаям мустаҳкамланади. Пешона тер эвазига етиштирилган миллионлаб тонна пахта Ўзбекистон довруғини осмон қадар юксалтираверади. Бунда Қорақалпоғистоннинг ҳам муносиб ҳиссаси борлигидан қувонамиз.

Доимо ер билан тиллашувчи қорақалпоғистонликлар унга ғирромлик қилиш билан иш битмаслигини яхши биладилар. Ҳар бир мисқол минерал ўғит ғўзанинг тубига, илдизига бориб етди. Ерга хиёнат қилинмади. Ташмачилик, талон-торожга йўл қўйилмади. Кўзни шамғалат қилиб, дала ишловига ажратилган ёқилғини ва турли хил эҳтиёт қисмларни ўмариб кетишга мутлақо имкон қолмади.

(Давоми 2-бетда)

# Либераллаштириш моҳияти

***Демократик-ҳуқуқий давлатни барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш учун мамлакатимизда мустақилликнинг илк йиллариданоқ қонунчилик ва бошқа соҳаларда ташкилий чора-тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда.***

ФАРМОН ВА ИЖРО

Ушбу сиёсатнинг ажралмас қисми сифатида суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган туб ислоҳотларни эътироф этиш мумкин. Яқинда эълон қилинган "Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида"ги ҳамда "Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида"ги Президентимиз Фармонлари сўзимиз исботидир. Шу билан бирга, суд-ҳуқуқ ислоҳотлари борасида жиноий жазо тизимини либераллаштириш ишлари алоҳида аҳамиятга эга.

Жиноят қонунчилигини либераллаштириш сиёсати – бу суд-ҳуқуқ соҳасини тубдан янгилаш ва демократлаштиришга қаратилган яна бир дадил қадамдир. Жиноят қонунчилигини либераллаштириш асосий моҳияти ҳақида тўхталсак, фикримизча, унинг авваламбор, қуйидаги ҳолатларига алоҳида урғу беришимиз керак.

Биринчиси, жиноий жазо институтини либераллаштириш ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларида демократия ва ҳуқуқий давлат тамойилларини қарор топтириш сиёсатининг узвий давомидир. Буни яққол мисоллар билан асослаб бериш мумкин. Демократия тамойилларидан бири, бу инсон ҳуқуқларининг дахлсизлигидир.

(Давоми 2-бетда)

ХИЗМАТ

***Республика Олий Мажлиси ва ҳукумати томонидан қабул қилинаётган кўпгина қонун ва қарорлар аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган бўлиб, улар қаторига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 2002 йил апрел ойида қабул қилинган "Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида"ги Қонун ҳам киради.***

# Омонатлар – қонун ҳимоясида

Шу ҳужжат ижроси юзасидан Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2002 йил 19 сентябрда қарор қабул қилиниб, республикамизда ҳамдўстлик мамлакатлари орасида биринчилардан бўлиб Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш Фонди ташкил этилган эди.

(Давоми 4-бетда)

# Ерга қайишган кам бўлмайди

***Мамлакатимизда ернинг ҳар қаричи олтинга тенг. Ундан оқилона ва самарали фойдаланиш юрт фаровонлиги, дастурхонимиз тўкин-сочинлигига муҳим иқтисодий замин бўлиб келган.***

НАЗОРАТ

Шу сабабдан ер ўтмишда ҳам, ҳозирда ҳам, келажакда ҳам эъзоз ва ҳимояда бўлғусидир. Юртимиз истиқлолга эришгач ер ресурсларидан самарали фойдаланиш тамойилларига алоҳида эътибор қаратилди. Энг муҳими, ерга бўлган муносабат ўзгарди, эътибор кучайди. Мазкур соҳадаги қонун ва ҳужжатлар ўзининг ҳаётийлиги билан ҳам алоҳида аҳамият касб этаётир.

Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси, Давлат ер кадастри тўғрисидаги ва бошқа талайгина қонун ҳужжатларимиздан оқилона ер заҳираларифойдаланиш тартибининг ҳуқуқий пойдеворини яратиб берди. Чиндан ҳам ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг асосий вазифалари этиб ҳозирги ва келажак авлодларнинг манфаатларини кўзлаб, ердан илмий асосланган тарзда, унинг қадрига етиб фойдаланиш ва муҳофаза қилиш, тупроқ унумдорлигини тиклаш ва ошириш, табиий муҳитни авайлаш ва яхшилаш, хўжалик юритишнинг барча шаклларини тенг ҳуқуқлилик асосида ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш, юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида ер муносабатларини тартибга солиш, шунингдек, бу соҳадаги қонунийликни мустаҳкамлаш каби мезонлар белгилаб қўйилган.

Самарқанд вилояти ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси фаолиятида ҳам мана шу мезонлар дастуруламал бўлиб хизмат қилаётир.

(Давоми 4-бетда)

ИБРАТ

***Бухоро етти иқлимга донғи кетган, ўзига хос фусункор воҳа. Бу гўша ҳудуди жуда катта. Унда юзлаб хўжаликлар, юз минглаб қорамол, қўй-қўзи, эчкиулоқ, туя, йилқи ва бошқа чорва туёқлари мавжуд.***

# Бухоро қоракўли

Унинг эгаси, кўпайтирувчиси чўпон. Чўпонлик касбини эгаллаш, эъзозлаш фақатгина чорвадор, фидойи инсонларнинг қўлидан келади.

Йил-ўн икки ой сурув кетидан қир-адир, чўли-биёбон кезишнинг ўзи бўладими? Унинг байрам кунлари ҳам, дам олиши ҳам, сайр-у саёҳати ҳам яйловда ўтади.

– Чорвадорлар ҳақида азалдан ҳурмат билан гапириб келинган.

(Давоми 5-бетда)

# "Мен сендайлик пайтимда"

## Сиз ҳам ёш эдингиз

***Аввало, отангиз ёки онангизнинг "Мен сендайлик пайтим..." деб овозини ўзгартириб сизга маъноли қараш қилган пайтини эсланг. Энди бундай ҳолатнинг нақадар тез-тез такрорланиб турилишини хаёлан бўлса ҳам санаб, вазиятларни таҳлил қилиб кўринг.***

МУНОСАБАТ

Шунда ишонч билан айтишингиз мумкинки, отангиз, онангиз ўзи қачон ёш бўлганини айтарли эслай олмайди. Эслаганда ҳам сиз тушган ҳолатга ўз отаси, онаси назари билан эмас, ўзининг бугунги назари билан қараётганини, бу ҳолатда эса айни сизнинг ҳам ўз назарингиз борлигини ва бу қарашингизга бутунлай ўрин қолдирмаётганини кўрасиз.

Ота-оналар вазиятга ҳаққоний ёндашганларида, ўзларининг ёшликларини унутиб юбормасдан, ота-оналик нуқтаи назаридан эмас, сизнинг ҳам ўз фикрингиз, шахсий қарашингиз борлигини инобатга олиб, фарзандига ҳамдард, ҳамзамон сифатида муомала қилганида бир-бирингизни тезроқ тушунган бўлар эдингиз.

(Давоми 6-бетда)

ХАЛҚ БАНКИ
сизнинг оилангиз банки

УзРТСБ Биржевые котировки сум/кг | БЕНЗИН (76) 463,9 ▲ + 1,0 | БЕНЗИН (91) 530,1 ▼ - 6,0 | ДИЗ.ТОПЛИВО 283,1 ▲ + 0,3 | МАЗУТ 94,0 ▲ + 17,0 | СЖ.ГАЗ 235,3 ▲ + 0,6 | МАСЛО ХЛОПК. 814,3 ▼ - 2,6 | САХАР 588,0 ▼ - 0,06 | МУКА выс.сорт 280,0 ▼ - 0,1




# Ишлаяпмиз, ҳоким бува

***Вилоят амфитеатрида фалончи машҳур хонанда концерт берармиш, деган хабарни эшитиб Норбой раиснинг юрагига ғулғула тушди. Концертга борай деса, айни ғалланинг ўрим-йиғим пайтида бош қашишга ҳам вақт йўқ: хўжалик эрта-индин ғалла режасини бажариши шарт.***



Бормай деса, қўшиғини сел бўлиб тинглайдиган хонанда озиб-ёзиб вилоятга бир келадиган экан, концертига кирмаслик нодонлик. Ахийри Норбой раис вилоят марказига йўл олди.

Уриниб-суриниб саҳнага яқинроқ жойга бориб ўтириб олди. Ана, концерт ҳам бошланди. Бир қошиқ сув билан ютиб юборадиган даражада товланиб чиққан хонандани яқиндан кўраётганига бир ишониб – бир ишонмай ўтирган Норбой раис завқланиб ора-орада қийқириб қўярди. Тўсатдан қўл телефони жиринглаб қолди.

–Ҳа, Норбой, яхшимисан?

Норбой раис овоз эгасини таниб устидан муздай сув қуйгандай карахт бўлиб қолди. Йўқлаётган туман ҳокими экан.

–Қаердасан?

–Даладаман, ҳоким бува, далада, - ғўлдираб жавоб берди Норбой раис.

–Қўшиқ эшитилаяптими?

–Қўшиқ? Магнитофон бу. Қўшиқ эшитиб ишлаш яхши-да, ҳоким бува... Биласиз, ҳозир иш қизғин. Пешонадаги терни артишга ҳам фурсат йўқ.

–Шунақами? Яхши-яхши. Ишни бўшаштирманглар.

–Албатта, ҳоким бува. Бугуноқ, йўғ-е, эртагаёқ режани бажарамиз.

–Фақат, - негадир овоз бироз жим қолди, - орқага ҳам бир қараб қўйинг-да, Норбойбек.

Норбой раис ялт этиб ортига қаради. Не кўз билан кўрсинки, орқада туман ҳокими жилмайиб ўтирар эди.

# Синфда ким йўқ?

***Қишлоқнинг мўъжазгина мактабида иш вақти одатий кунлардан фарқли ўлароқ серташвиш бошланди. Вилоятдан комиссия келармиш, деган хабар ҳаммани шошириб қўйганди.***

–Давомат яхшимас, давомат. Комиссия биринчи галда давомат билан қизиқади, - асабийлашарди мактаб директори. –Гап шу: нима қилиб бўлса ҳам, ҳар бир синфда давомат зўр, деган хулосага келиниши керак!



Синф раҳбарлари хоналарига ошиқдилар. Ўқувчиларга тайинландики, йўқлама қилинаётганда дарсга келмаганлар ўрнига ҳам "мен" деб жавоб берилсин.

Комиссия аъзоси -табиатан ҳазилкаш Жакбарали Баҳриддинов ўзини салобатли тутиб биринчи синф хонага кирди. Журнални қўлга олиб, давоматни текширмоқчи бўлди. Ўттиз чоғли исм-шариф ёзилган ўқувчилар рўйхатини ўқий бошлади. Ажабо, дарсда қатнашаётган ўқувчилар сони йигирмага ҳам етмайди, бироқ журналда барча қайд қилинганларнинг исм-шарифи айтилганда, "мен" деб жавоб берилаяпти.Жакбарали Баҳриддинов рўйхат тугаганини сездирмай, "ўқиш"да давом этди:

–Жакбарали Баҳриддинов?

–Мен – орқа партадан овоз келди.

–Ҳамид Ниёзов? - ёнидаги шериги – Ҳамид Ниёзов ўзини кулгидан зўрға тутиб турарди.

–Мен, - яна овоз келди.

–Сатторқул Анорбоев? –Жакбарали энди ҳамкасбларининг исм-шарифини айта бошлади, - Сожида Маликова? Норгул Ҳамроева?

–Мен!

–Мен! – ўқувчилардан баъзан жўравоз жавоб қайтарилардди. Муаллимнинг эса ранги докадай оқариб борарди...

**Дилдора МАМАДИЯРОВА**

# Тошкентнинг "ГАИ"си

***Институтни битирган Мамаюсуф бир йилча йўл қурилишида ишлади. Кўрдики, бу иш унчалик "ёғли" эмас. Таниш-билишлар ишга тушди. Икки ой ўтмасдан эгнида погонли костюм, қўлида қизил таёқ. Таёқни кўтарса борми...***



Шундай кунларнинг бирида қўшни қишлоққа тушган опаси Сайёра Мамаюсуфнинг "сотка"сига телефон қилиб қолди. "Ука, жон ука! Уйимиз куйди. Кимдир дарвоза олдида энди бўшалиб чиққан новвосни машинада уриб кетибди. Ишонганимиз сен. Тезда айбдорни топмасанг бўлмайди".

Мамаюсуф ҳам ҳовлиққанича етиб келди. Биринчи ишини шу атрофда ўйнаб юрган болаларни сўроқ қилишдан бошлади. Шунда болаларнинг новчаси "Ҳўкизни трактор урди, Тошкенники эди, ҳув-в, анави ёққа кетди", дея "бетонка" томонни кўрсатди.

Ҳали ярим соатча ҳам вақт ўтгани йўқ, - ўйлади Мамаюсуф, - ҳаракат қилсак ушлаймиз. Рация орқали бутун туман ДАН ходимларини оёққа турғазди. Ўзи ҳам зудлик билан "бетонка"даги постга етиб борди. Бир соат кутди, икки соат кутди. Орадан уч кун ўтди ҳамки, айбдордан дарак йўқ...

Келаси йил баҳорда Сайёра ўғлига суннат тўй қилди. Тўй тарқаб, ўйин-кулги авжига чиққанида қўшни қишлоқлик тракторчи Тошкен ака семизгина новвосни етаклаб тўйга кириб келди. Кейин маълум бўлишича, ўтган йили Сайёранинг ҳўкизини Тошкентнинг трактори эмас, Тошкеннинг трактори уриб кетган экан. Виждони қийналган Тошкен ака тўйнинг дарагини эшитиб, новвос семиртириб келибди.

Шу-шу бўлди-ю, Тошкен билан Тошкентнинг фарқига бормаган Мамаюсуфни ким кўрса "Тошкентнинг ГАИ"си дейдиган бўлишди.

**Толибжон ЭРГАШЕВ**

# Ҳужжатлар имзоланди, бироқ...

***Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ташкил этилганлигининг 60 йиллиги муносабати билан Нью-Йоркда Бош Ассамблеянинг юбилей сессияси бўлиб ўтди.***

БМТнинг минбари уч кун мобайнида давлат ва ҳукумат раҳбарларига бериб қўйилди. Уларнинг ҳар бири беш дақиқада ўзлари учун ўта муҳим деб ҳисоблайдиган халқаро масалалар юзасидан фикр-мулоҳазаларини баён қилдилар. Албатта, белгиланган беш дақиқалик регламентга ҳамма ҳам амал қилгани йўқ, биров кўпроқ, биров озроқ гапирди. Шунингдек, долзарб халқаро масалалар юзасидан жиддий ва куйиниб гапирганлар ҳам бўлди, бир-бирларига тош отганлар ҳам бўлди. Хавфсизлик Кенгашини ислоҳ қилишни қўллаб-қувватлаганлар ҳам бўлди, бунга қаршилик кўрсатганлар ҳам бўлди. Уч кун мобайнида собиқ дўстлар аразлашиб, душманлар дўстлашган ҳолатлар ҳам бўлди. Жумладан, Покистон ва Исроил раҳбарлари биринчи марта дўстона учрашиб, самимий суҳбат ўтказдилар. Хуллас, сессия мулоқотларга, мунозараларга, учрашувларга, турли кутилмаган ҳолатларга ва воқеа-ҳодисаларга бой бўлди.



Агар амалий натижалар ҳақида тўхталиб ўтадиган



бўлсак, имзоланган бир неча ҳужжатларни, келишиб олинган янги режаларни, ўзаро аҳдлашувларни айтиб ўтишимиз мумкин. Жумладан, ядровий терроризм ҳаракатларига қарши кураш тўғрисида халқаро конвенция имзоланди. Ҳужжат лойиҳаси Россия томонидан киритилган эди. Шунинг учун уни биринчи бўлиб Владимир Путин имзолади. Сессиянинг якунловчи ҳужжатида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича ҳамда ҳақ-ҳуқуқи камситилган халқларни ҳимоя қилишнинг халқаро жавобгарлиги бўйича янги халқаро ташкилотларни ташкил этиш, шунингдек оммавий қирғин қуроллари тарқалишининг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида келишувларга эришилганлиги қайд этилди. БМТни ислоҳ қилиш тўғрисидаги таклиф ўз кучида қолди. Бироқ якунловчи ҳужжатдан Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзолари сонини ошириш билан боғлиқ таклиф муроса йўли топилмаганлиги учун олиб ташланди.

Бугунги куннинг долзарб муаммолари, жумладан, қашшоқлик ва қурғоқчилик, ижтимоий тенгсизлик, ҳарбий можаролар, миллий-этник низолар, наркобизнес ва терроризмга қарши кураш, экология ва атроф-муҳит каби масалалар ҳам жаҳон давлатлари саммити номини олган сессия кун тартиби мажлисларида қизғин мунозара ҳамда муҳокамага сабаб бўлди.

Энди Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзолари сонини ошириш масаласига келсак, тўғрисини айтганда, бунга асосан ҳозир ана шундай имтиёзга эга бўлган давлатлар тўсқинлик қилишди. Улар ўзларида бор ҳақ-ҳуқуқ бошқаларда ҳам бўлишини исташмади. Аслида БМТни ислоҳ қилиш, хусусан, Хавфсизлик Кенгашидаги кучлар нисбатини ўзгартириш ғоясини Кофи Аннан илгари сурганди. Бош котибнинг таклифи жаҳон миқёсида акс-садо берди ва ташаббуслар, саъй-ҳаракатлар бошланиб кетди. Шунга ҳам мана беш-олти ойдан ошди.

Номзодлар сифатида ўндан ортиқ давлатлар тилга олинди. Уларнинг орасида тўрттаси – Германия, Япония, Ҳиндистон ва Бразилияга нисбатан ишонч кучли эди. Германия билан Японияни Ўзбекистон ҳам маъқуллади. "Тўртлик" шу йилнинг май ойида қўшма резолюциянинг лойиҳасини эълон қилди. Унга кўра, Осиёдан Япония билан Ҳиндистон, Европадан Германия, Лотин Америкасидан Бразилия, Африкадан Миср ва Нигерия Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгаши таркибига вето қўллаш ҳуқуқига эга янги доимий аъзолар сифатида таклиф қилинади. Ўшандаёқ Германиянинг БМТ ҳузуридаги ваколатхонасида резолюция лойиҳасининг тақдимот маросими ўтказилади. Бироқ йирик давлатларнинг вакиллари



**ШАРҲ**

"тўртлик"нинг таклифини вазминлик билан қабул қиладилар. Жумладан, АҚШ норасмий даражада янги аъзоларга вето ҳуқуқи берилмаган тақдирдагина бу таклифни маъқуллашга рози эканлигини билдирган бўлса, Россия бундай ислоҳотлар ўтказиш учун шошилмасликка даъват этади.

Тўрт ой ана шундай мавҳум ҳолатда ўтди. Ана шу даврда Хавфсизлик Кенгашида ҳакамлик мақомига эга давлатлар билан номзод мамлакатлар ўртасида дипломатик саъй-ҳаракатлар авж олди. Агар кузатган бўлсангиз, Россия билан Германия ва АҚШ билан Япония ўртасида мақсадга эришиш йўлида яқинлашиш аломатлари кўзга ташланди. Афтидан, бундай яқинлашишлар бошқа бировлар учун малол келди шекилли, умуммуроса йўли – ечим топилмади. Ҳиндистон ва Бразилия масаласида ҳам худди шундай ҳолат кузатилди. Баъзи сиёсатчилар ҳамда давлат арбоблари Хавфсизлик Кенгашининг ҳозирги доимий аъзолари ва унга номзодлари кўрсатилаётган давлатлар орасида мусулмон мамлакатлар йўқлигига қарамасдан Мисрнинг ўрнига Жанубий Африка Республикасини тавсия этишди. Бироқ гап-сўзлар оғизда, резолюциялар қоғозда қолиб кетди. "Тўртлик" қабул қилган резолюция лойиҳасида, ҳатто июл ойи ўрталарида янги доимий аъзоларга сайлов ўтказиш, август ойида эса БМТ Низомига тегишли ўзгартириш киритиш кўзда тутилган эди. Ҳаммаси қоғозда қолди. Мавҳумлик ҳолати Бош Ассамблеянинг юбилей сессияси очилган кунгача давом этди.

Сессияда эса бу масала ҳатто кун тартибига ҳам киритилмади. Аниқроғи, БМТ Хавфсизлик Кенгашининг ҳозирги доимий аъзолари бундан кейин ҳам ўзларининг ветога эгалик қилиш ҳуқуқларини бошқалар билан бўлишишни исташмаётганлиги маълум бўлди. Ислоҳот кечиктирилганлиги эса вақти келиб бу масала яна кўтарилиши мумкинлигини кўрсатади.

Анжуманда мулоқотлар, мунозаралар, учрашувлар билан бирга турли эҳтиросли баёнотлар ҳам бўлди. Жумладан, Александр Лукашенко Кубадан санкцияни олиб ташлашни талаб қилган бўлса, Уго Чавес БМТ бош қароргоҳини Нью-Йоркдан Қуддусга кўчиришни таклиф қилди. Бир нотиқ нега фалон давлатнинг раҳбари ўн икки дақиқа гапиради-ю, мен ўн дақиқа гапиришим мумкин эмас, деб жанжал қилган бўлса, бошқа бир нотиқ нега мен сўзга чиққанимда кўплар кетиб, зал бўшаб қолди, деб норозилик билдирди.

Бир сўз билан айтганда, Бош Ассамблеянинг юбилей сессияси БМТ тарихида ўзига хос из қолдирди.

**Иброҳим НОРМАТОВ,**
**сиёсий шарҳловчи.**

# Озон қатлами ва замин тақдири



***Заминимизни қуёш ультрабинафша нурларининг салбий таъсиридан ҳимоя қиладиган озон қатламини емирилишдан сақлаш жаҳон ҳамжамияти диққат марказида турган долзарб экологик муаммолардандир.***

Бу борадаги саъй-ҳаракатларни бирлаштириш, атроф-муҳитга етказилаётган салбий таъсирларни камайтириш ва экологик маданиятни юксалтириш мақсадида дунёда ҳар йили 16 сентябрь - Халқаро озон қатламини муҳофаза қилиш куни сифатида кенг нишонланади. БМТнинг Атроф-муҳит дастури ташаббуси билан мазкур сана жорий йилда «Озон қатламини асраш одамни ва оламни асрашдир» шиори остида ўтяпти.



Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасида шу муносабат билан ўтган тадбирда Олий Мажлис сенати, давлат, жамоат, халқаро ташкилотлар вакиллари, олимлар, мутахассислар ва журналистлар иштирок этди.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, одатда совуткич техникаси, ўт ўчириш, табиий ускуналарни стерилизациялаш, қишлоқ хўжалиги, нефтни қайта ишлаш заводларида катализатор сифатида ишлатиладиган хлор-фтор углеродлар туркумидаги кимёвий моддалар озон қатлами емирилишига сабаб бўлади. Ана шу муаммоларни бартараф этиш мақсадида қабул қилинган Вена конвенцияси ва Монреаль протоколига бугунги кунда қарийб 190 давлат, шу жумладан, мамлакатимиз ҳам қўшилган.

Бу борадаги ишларда Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йилда қабул қилинган «Озон қатламини ҳимоя қилиш соҳасидаги шартномалар бўйича Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятларини бажариш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда «Озонни бузувчи моддаларни ва таркибида улар мавжуд бўлган маҳсулотларни Ўзбекистон Республикасига олиб киришни ва Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқишни тартибга солиш тўғрисида»ги қарорлари муҳим дастуриламал бўлаётир.

Халқаро мажбуриятларни бажариш, озонни емирувчи моддалар ишлатилишини босқичма-босқич камайтириш, уларнинг ўрнига зарарсиз воситалар яратишни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилаётир. Шу мақсадда Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳузурида озонни емирувчи моддалар алмаштирилишини бошқариш бўйича офис ташкил этилган. Бу тузилма Глобал экологик жамғарма, ЮНЕП, БМТнинг Тараққиёт дастури ва бошқа давлат, жамоат бирлашмалари ҳамда илмий-тадқиқот муассасалари ҳамкорлигида кенг кўламда иш олиб бораётир.

Тадбирда озонга безарар маҳаллий суюлтирилган газдан олинган янги моддани жорий этиш, экологик таълим-тарбиянинг аҳамияти ва озон қатламини ҳимоя қилиш бўйича халқаро мажбуриятларнинг бажарилишига бағишланган маърузалар тингланди.

**Б.ХИДИРОВА,**
**ЎзА мухбири.**

**ҚИСҚА САТРЛАРДА**

## Эл соғлиги йўлида

Янгибозор тумани марказий шифохонаси янги бинолар эвазига янада кенгайди. 720 миллион сўмлик маблағ сарфланиб, барпо этилган иморатларда бир қанча бўлимлар учун шарт-шароитлар яратилди. Туман фермер хўжаликлари ана шундай хайрли ишларда ўзларининг беминнат ёрдамлари билан фаол қатнашдилар.

## Ҳамширалар - Исроилда

Қишлоқ врачлик пунктлари ва поликлиникаларда фаолият юритаётган 26 нафар хоразмлик ҳамшира Исроилда ўз малакаларини ошириб қайтишди. "Машав" лойиҳаси бўйича амалга оширилган курслар мамлакатнинг энг кўзга кўринган "Каплан" шифохонасида ўтказилди. Олти ҳафта мобайнида ҳамширалар Тель Авив, Ашдод Рехевить сингари шаҳарлардаги бошқа даволаш муассасаларида ҳам бўлишди.

**Холмурод ҚУРБОНОВ**

**ХАБАРЛАР**

## "Тошкент" минимаркети

***Китоб шаҳрида "Шаҳзода" хусусий фирмасига қарашли янги минимаркет қуриб битказилди. Қисқа фурсатда қад ростлаган бу иморат икки қаватдан иборат. Дўконнинг савдо майдони 105 квадрат метр.***

Маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ва таъминот корхоналари билан узоқ муддатли шартномалар тузган "Шаҳзода" фирмаси ўзининг "Тошкент" минимаркети орқали истеъмолчиларга фақат энг сифатли маҳсулотларни арзон нархларда тақдим этишга ҳаракат қилмоқда.

## "Иффатли келин"

***Шаҳрисабзлик ишбилармон Баҳодир Алиқулов Тошкентдаги "Иффатли келин" ўқув маркази билан ҳамкорликда туманда мазкур марказ филиалини очди.***

Бу филиалда 10 та йўналиш бўйича ўқув курслари ташкил қилинди. Хотин-қизлар бичиш-тикиш, костюм-шимлар ҳамда элита пардалари тикиш, мунчоқ билан безаш, европача услубда соч турмаклаш ва турли халқларнинг миллий таомларини тайёрлаш сир-асрорларини ўрганишмоқда. Филиал фаолиятининг дастлабки босқичида машғулотларни Тошкентдан келган тажрибали ўқитувчи-мутахассислар олиб боришаётган бўлишса, келажакда уларнинг ўрнини махсус услубият бўйича тайёрланган ва белгиланган тартибда тест синовларидан ўтган маҳаллий кадрлар эгаллашади.

## Қишлоқда кичик завод

***Қамаши туманидаги "Агровосток" масъулияти чекланган жамияти жамоаси Баландчайла қишлоғида жойлашган кичик заводни мукаммал таъмирлаб, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш ва томат пастаси ишлаб чиқаришга киришди.***

Тадбиркор Олим Чўлиев Баландчайлада ўрнатилган технологик минияни сотиб олиб, бир пайтлар Италиядан келтирилган ушбу асбоб-ускуналарни мукаммал таъмирдан чиқарди. Натижада кичик завод узоқ муддатли танаффусдан сўнг яна деярли тўлиқ қувват билан ишлай бошлади.

Бугунги кунда бу ерда ишлаб чиқарилаётган юқори концентрацияли томат пастаси 3 литрли идишларга қадоқланиб, юртимиздаги савдо ташкилотларига етказиб берилаяпти. Келгуси мавсумгача тадбиркор қўшимча асбоб-ускуналар харид қилиб, томат пастасини чет эллик улгуржи харидорларнинг талабига мос равишда қадоқлашни йўлга қўймоқчи.

**Фахриддин БОЗОРОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

## Янги меҳмонхона

***Бухоро вилояти марказида фаолият юритаётган хусусий меҳмонхоналар сафига «Умар Ҳайём» ҳам қўшилгач, улар сони 37 тага етди. Минораи калон, Тоқи заргарон обидалари, Улуғбек ва Абдулазизхон мадрасалари яқинида барпо этилган 42 ўринли мазкур меҳмонхона биноси замонавий ва кўҳна шарқ меъморлиги анъаналарини ўзида мужассам этган.***

- Меҳмонлар учун барча қулайликлар яратилган, - дейди меҳмонхона раҳбари Комил Ниёзов. - Хоналар замонавий жиҳозлар, алоқа воситалари билан таъминланган. Ресторанимизда миллий ва Европа таомлари тайёрланади.

Авиа ва темир йўл чипталарини ҳам шу ернинг ўзидан харид қилиш мумкин. Меҳмонхона ходимлари мижозларни аэропорт ва поезд шохбекатида кутиб олиб, кузатадилар. Сайёҳларга Бухоронинг қадимий обидаларини томоша қилиш пайтида ўзбек, рус, инглиз ва бошқа хорижий тилларни мукаммал биладиган мутахассислар ҳамрох бўлади.

**(ЎзА)**

# Дилочар маскан

***Дилкушо дилочар деган маънони англатади. Бухоро шаҳридаги бу кўркам мавзе ўзига хос тарихга эга. Ўтмишда бу ҳудудда амирнинг Моҳи Хоссага олиб борадиган йўли бўлиб, у боғ-роғлар орасидан ўтган. Маҳаллада исми-жисмига монанд тўртта кўча бор: Дилкушо, Боғи Амир, Камонгар, Давлатобод. Жами 3147 нафар киши истиқомат қилади.***

Дилкушо маҳалла фуқаролар йиғини жойлашган бинода бўлган киши эътиборини... гуллар тортади. Хилма-хил, анвойи гуллар. Ўттиз турдан ортиқ. Маҳалла раиси улар орасидан бирини кўрсатиб "Бу гул "аҳил оила" деб номланган" дейди ва шаҳарда ўтадиган гуллар байрамига ҳозирлик кўришаётганини айтади. Бултур маҳалла айнан шу тадбирда биринчи ўринга муносиб кўрилган.

- Маҳалламизда гулга меҳри баланд ўнта хонадон бор, - дейди йиғин раиси Раҳима Насуллаева. - Ҳовлиларга кирсангиз анвойи гулларни кўриб баҳри дилингиз очилади. Боғи Амир кўчасида яшовчи Рисолат Гулова, Дилкушо кўчасида турувчи Матлуба Тўхтамишова, Элмира Ҳусенова, Ойгул Тоҳирова ана шундайлар сирасига киради.

Маҳаллада 36 нафар тадбиркор бор. Улар орасида ҳунарманд Ойша Бозорова ажралиб туради. Гап унинг ўнлаб хотин-қизларни иш билан таъминлаганида эмас, балки бозор талабига мослаша билишда. Бугун ҳунарманд О.Бозорова қўлидан чиққан зардўзлик маҳсулотларига Тошкенту Фарғонада харидорлар бор. Ака-ука кулол ва наққош Азизбек ҳамда Салимжон Ҳусеновлар, уста Нўъмон Файзиев ҳам ҳунар ортидан барака топиб эл орасида эътибор топишмоқда.

- Кўчаларимиз қиёфаси сўнгги 10-15 йилда кескин ўзгариб кетди, - дейди Р.Насуллаева. – Шинам, чиройли уй-жойларни кўриб хурсанд бўласан, киши. "Мустақиллик шукуҳи абадий бўлсин" деган кўргазма ташкил қилдик. Унда истиқлол йилларида маҳаллада амалга оширилган ишлар акс этган суратлар бор. Биласизми, бизда бошқа маҳаллаларда учрамайдиган яхши бир одат йиллар оша анъана бўлиб келаяпти. Мучал ёшлар ўзаро тўпланиб, маҳалла аҳлига ош қилиб беришади. Шу баҳонада кексалар, бемор ва ёрдамга муҳтож фуқаролардан кўнгил сўрашади.

**Аксарият ҳолларда ўзига тўқ, рўзғорда камчилиги бўлмаган хонадонларда коммунал хизматлардан қарздорлик миқдори катта. Улар билан бу масалада гаплашиш ҳам мушкул. "Газ, сув ҳақини тўлаб қўйинг", десангиз пинакларини бузишмайди. Лекин ориятли кишилар ҳам кўп. Биз фаолиятимизда ана шундай инсонларга таянамиз...**

Маҳалла яраштириш комиссиясининг фаолияти ҳақида ҳам илиқ фикрлар билдириш мумкин. Бу ерда болалар спортига эътибор ошган. "Футболимиз келажаги" турнирининг 15-16 ёшли ўсмирлар ўртасидаги вилоят босқичида маҳалла жамоаси фахрли 2-ўринни эгаллади.

**МАҲАЛЛАНГ – УЙИНГ**

- Сизни маҳалла раиси сифатида қандай масалалар ташвишлантиради? - дея сўраймиз Р.Насуллаевадан.

- Баъзи фуқароларнинг дунёқараши, тушунчаси торлиги мени ўйлантиради, - дейди у. - Айримлар маҳаллани фақат моддий ёрдам берадиган жой деб тушунишади. Қорни тўқу кўзи оч кишилар ҳам учрайди. Маҳалла раиси сифатида кузатиб бир нарсага ишонч ҳосил қилдим: аксарият ҳолларда ўзига тўқ, рўзғорда камчилиги бўлмаган хонадонларда коммунал хизматлардан қарздорлик миқдори катта. Улар билан бу масалада гаплашиш ҳам мушкул. "Газ, сув ҳақини тўлаб қўйинг", десангиз пинакларини бузишмайди. Лекин ориятли кишилар ҳам кўп. Биз фаолиятимизда ана шундай инсонларга таянамиз...

Маҳалла биносидан чиқаётиб, "аҳил оила" деб ном олган гулга яна кўзимиз тушди. Раҳима опа таъриф берганича бор. Ихчамгина гулдонда ўсимлик шунақанги ғуж-ғуж бўлиб турибдики, у чиндан ҳам аҳил оилага ўхшайди. Уйда, маҳаллада одамлар шундай аҳил, иноқ, тинч-тотув яшашса Дилкушога ўхшаган дилочар гўшалар тағинда кўпаяди. Шундай эмасми?

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

ЦЕМЕНТ(Ахангаран) 45,0 ▼ - 0,1 | УГОЛЬ(бпк) 12,3 ▲ + 0,02 | АРМАТУРА 437,5 ▼ - 1,5 | СУПЕРФОСФАТ 63,6 ▲ + 0,9 | АММОНИЙ СУЛЬФАТ ФОСФАТ 192,8 ▼ - 0,1 | Символы цен: ▲+ Увеличилась; ± не изменилась; ▼- Снизилась; +0,0 на сколько сум | Сум/кг | Средневзвешенные цены за неделю для заключения прямых договоров на сайте: UZEX.COM УзРТСБ



# Ерга қайишган кам бўлмайди

(Боши 1-бетда)

Бошқарма мутахассислари ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш, ер ресурсларини баҳолаш, салбий жараёнларнинг олдини олиш ва уларнинг оқибатларини бартараф этиш бугунги кундаги энг долзарб муаммолардан бири эканлигини англаб етишган. Улар шу каби муаммоларни бартараф этиб, она заминдан оқилона ва самарали фойдаланиш борасида бир талай ишларни бажариб келишмоқда.

Маълумотларга қараганда, айни паллада вилоятнинг умумий ер майдони бир миллион олти юз етмиш етти минг уч юз бир гектар бўлиб, унинг бир миллион икки юз тўқсон етти минг тўрт юз ўн бир гектари қишлоқ хўжалигига яроқли ерлар ҳисобланади. Шундан икки юз эллик етти минг 919 гектари суғориладиган, бир юз саксон икки минг тўққиз юз йигирма тўққиз гектари лалми экин майдонларидир. 10256 нафар фермер хўжаликларига 254 минг 631 гектар ер майдони ажратиб берилган. Бу эса 2004 йилга нисбатан мулк соҳибларининг сони 1125 тага кўпайганлигини кўрсатади.

–Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 декабрдаги "2005-2007 йилларда фермер хўжаликларини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"-ги қарорига кўра қарзга ботган, қирқ учта ширкат хўжаликлари тугатилиб, уларнинг 52521 минг гектар ер майдонлари тўлиғича фермер хўжаликларига бўлиб берилди. Натижада 841 та янги фермер хўжаликлари ташкил этилди, - дейди Самарқанд вилояти ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи Дониёр Жўрақулов. – Бунда бошқарма ва унинг туманлардаги ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимлари ҳамда "Ўздаверлойиҳа" институти Самарқанд филиалининг мутахассислари бош-қош бўлдилар. Хўжаликлардаги экин ерлари тўлиғича хатловдан ўтказилиб, лойиҳалар тузилди ва тендер ўтказувчи комиссияларга тақдим этилди. Хуллас, ҳукумат қарори талаблари тўлиғича бажарилди.

Дониёр Жўрақуловнинг эътироф этишича, жорий йилнинг ўтган даври давомида бошқарма туман ҳокимликлари билан ҳамкорликда "Ер кодекси" талаблари асосида ердан фойдаланишни назорат қилиш, ер муносабатларини тартибга солиш ва қишлоқ хўжалиги ерларидан самарали фойдаланиш бўйича бирмунча ижобий ишларни амалга оширди.

Жумладан, бошқарма мутахассислари томонидан амалдаги йил ҳосили учун экилган пахта ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари туманлардаги барча қишлоқ хўжалик корхоналарининг ердан фойдаланиш хариталарига контурма-контур белгиланиб, жойлаштириб чиқилди. Сўнгги пайтларда ўтказилган текширувлар натижасига қараганда, ердан хўжасизларча фойдаланиш, ер тўғрисидаги қонунчиликни қўпол равишда бузиш ҳолатлари ҳам учраб турибди.

Ана шундай қусурларнинг олдини олиш мақсадида вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси ҳамда унинг туманлардаги бўлимлари томонидан жорий йилнинг ўтган олти ойи мобайнида ердан самарали фойдаланишни назорат қилиш бўйича 207 та текширишлар ўтказилиб, уларда 149 гектар ер майдонида турли хил қонун бузилиш ҳолатларига йўл қўйилганлиги аниқланди. Хато ва камчиликларнинг 204 таси фермер хўжаликлари, 2 таси ширкат хўжаликлари ва биттаси эса бошқа ташкилотлар томонидан содир этилган. Текширишлар натижасида аниқланган барча қонун бузилиш ҳолатлари бошқарма ва унинг тизимидаги корхоналар билан биргаликда кўриб чиқилиб, 209 нафар фуқаро 1 миллион 902 минг 712 сўм миқдорида жаримага тортилиб, 164 та ғайриқонуний ҳолатлар жойида бартараф этилди. Бундан ташқари Самарқанд шаҳри бўйича аниқланган қонунбузилишлар бўйича 24 та тақдимномалар киритилди. 222 нафар шахс билан эса ер ижроси шартномаси имзоланди.

Амалдаги йилнинг ўтган даври давомида 313,3 гектар майдондаги 563 та бино иншоотлар фойдаланишида бўлган ер участкаларининг топосуратлари олиниб, бу борадаги иш ҳажми 21612 минг сўмни ташкил этди. 421,6 гектар майдондаги 912 та ер участкалари давлат кадастри рўйхатидан ўтказилди.

Юқоридаги фикрлардан кўриниб турибдики, жамият ривожланишининг барча босқичлари ер билан, ундан фойдаланиш билан боғлиқ. Негаки у инсон ҳаёти ва фаолиятининг асоси ҳамда мамлакат бойлигининг манбаидир.

Самарқанд вилояти ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр хизмати ходимлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 21 октябрдаги 483-сонли қарори ижросини бажариш мақсадида астойдил тер тўкишмоқда. Ҳозирда янги хўжалик ҳисобидаги "Самермулккадастр" вилоят хизматининг туман, шаҳар бўлимлари фаолият кўрсатиб турибди. Барча бўлимлар мебел, оргтехника ва телефон алоқалари билан тўлиқ таъминланди.

Замон ўзгарди. Бугун ҳар бир жамоани замонавий, жаҳон андозаларига мос келадиган янги асбоб-ускуналар билан жиҳозлашни давр тақозо қилаяпти. Шу маънода бошқарма 60 та сўнгги русумдаги компьютер, 17 та нусха кўчириш аппарати, 56 та принтер, 2 та плоттер ҳамда 2 та грантлар орқали олинган 2 та лицензияли Land Pegister ҳамда AutoKa дастурий таъминотлари билан тўлиқ таъминланди. Шунингдек, бу ерда геодезик асбоблар билан бўлимларни таъминлашга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Айни паллада вилоят хизматлари бўйича 4 та электрон тохеометр, 42 комплект мензула, теодолит ва нивелирлар бор.

–Илгарилари бино ёки иншоотларнинг тарҳи қўлда чизиларди. Натижада кўп ҳолларда ноаниқликка йўл қўйиларди. Бу эса мижознинг ғашига тегарди. Хайрият бу ҳолга барҳам берилди. Хориждан келтирилган сўнгги русумдаги замонавий аппаратларда чизилган тарҳлар ўзининг бежиримлиги, қолаверса, аниқлиги билан кўпчиликка манзур бўлмоқда, - дейди Самарқанд вилояти ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизмати бошлиғининг ўринбосари Зоҳид Ҳамидов. – Шу сабабдан ҳам ишимизда олдинга силжиш кузатилмоқда. Буни қуйидаги мисоллар ҳам исботлайди. 2005 йилнинг ўтган даврида 80,934 миллион сўмлик кадастр ишлари бажарилди. 2989 та объект инвентаризация қилиниб, давлат рўйхатидан ўтказилди. 286,5 гектар ерларнинг топосуратлари олинди. 140 та объектлар бўйича ипотека шартномалари рўйхатга олинди.

Зоҳид Ҳамидовнинг алоҳида таъкидлашича, жамоада ҳозирга келиб ходимларнинг касбий малакасини ошириш бўйича ҳам бир қатор ишлар олиб борилмоқда. Мақсад соҳани яхши биладиган, тажрибали ходимлар сафини кенгайтириш. Шу билан бирга жойларда тез-тез семинарлар ҳам ташкил этилмоқда.

Сўнгги йилларда ҳукуматимиз томонидан ердан оқилона ва самарали фойдаланишни ташкил этиш ҳамда деҳқонда ерга эгалик ҳиссини уйғотишга катта эътибор берилмоқда. Бу ўринда она заминга меҳр қўйган, ердан унумли фойдаланаётган ўзини ҳам, давлатни ҳам бойитаётган фермерлар сафини кенгайтириш, айниқса, муҳим аҳамият касб этаяпти. Самарқанд вилояти ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси ҳамда унинг туманлардаги бўлимлари мутахассислари эса ердан оқилона ва самарали фойдаланишни кўнгилдагидек олиб бориш мақсадида деҳқону фермерлар билан бақамти меҳнат қилишмоқда.

**У.ЎКТАМОВ**

# "Чорвага тўйимли озуқа керак"

***"Қишлоқ ҳаёти" газетасининг шу йил 23 июн сонида чоп этилган "Чорвага тўйимли озуқа керак" сарлавҳали мақолани диққат билан ўқиб чиқдик. Унда кўтарилган мавзу ҳақиқатан ҳам бугунги кунда энг долзарб бўлиб турган масалалардан биридир.***

**АКС-САДО**

Мақолада таъкидланганидек, алмашлаб экиш бир жиҳатдан тупроқ таркибини яхшилаб борса, иккинчи томондан чорва озуқаси, бинобарин, гўшт, сут, тухум, тери, жун ҳамда бошқа маҳсулотларни етиштиришни кўпайтиришда муҳим омил бўлади. Очиғини айтиш керак, тупроқ унумдорлигининг пасайиб бораётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Олиб борилган тадқиқотларнинг кўрсатишича, бунга асосий сабаб қилиб узоқ йиллар давомида жуда катта ҳудудларда айрим экин турларининг якка ҳокимлиги, баъзи ерларда минерал ўғитларни тартибсиз қўллаш ҳолларини кўрсатиш мумкин. Натижада бу кўпгина муаммоларни келтириб чиқармоқда. Масалан, тупроқ таркибидаги гумус(органик модда)нинг камайиб кетиши, донадорлигининг бузилиши, асосий илдиз ўсадиган қатламнинг ҳаддан ташқари зичлашиши, иккиламчи шўрланиши, ва бошқалар шулар жумласидандир.

Тупроқнинг унумдорлигини ошириш учун унда органик модданинг тўпланишини кўпайтириш зарур. Бунинг учун ҳозирги вақтда деҳқончилик амалиётида устун турадиган тупроқ – ўсимлик – биомаҳсулот тизими кўринишини тупроқ – ўсимлик – чорва моллари – биомаҳсулот шаклига ўтказиш лозим.

Қишлоқ хўжалигида бирор технологик тадбир илмий асосланмасдан туриб, тупроқ ва тирик организмларнинг ўзига хос хусусиятларини, об-ҳаво шароитини, содир бўлиши мумкин бўлган фавқулодда ўзгаришлар ҳисобга олинмай амалга оширилса, тупроқ эса унумдорлиги пасайиб, ҳосилдорлик камайиб кетади. Бошқача қилиб айтганда, қишлоқ хўжалигида мутахассис тупроқшунос-агрокимёгар замин ҳимоячиси бўлиши керак. Ана шунда тупроққа тўғри "ташхис" қўйилади.

Тупроқ унумдорлигини сақлаш, қайта тиклаш, ошириш ва хўжалик рентабеллигини кўтариш учун қуйидагиларни тавсия этамиз: фермер, деҳқон, ширкат ва бошқа хўжаликлар ер кадастрининг зарур маълумотлар қайд этилган хариталарига эга бўлиши зарур. Ер тузиш ва бошқа ишларни режалаштиришда деҳқончилик билан чорвачилик мақбул нисбатда бўлмоғи ва уларни ривожлантиришни ҳисобга олиш керак. Алмашлаб экиш схемалари тупроқ унумдорлигини оширишга хизмат қилиши лозим. Чорва сони ҳайдаладиган ерларга мақбул нисбатда бўлиши учун маълум миқдордаги инвестициялар чорвачиликни ривожлантиришга йўналтириш мақсадга мувофиқдир. Беда, ҳаводан азот йиғувчи ҳамда тупроқни органик моддаларга бойитувчи чорва озуқаси етиштиришни кўпайтириш кутилган самарани беради. Тупроқда ишлов бериш механизмларини енгиллаштириш, уларнинг бир неча агротехник тадбирни бажариб кетишига эришиш ҳам ер унумдорлигини оширишга мўлжалланган технологиянинг таркибий қисми ҳисобланади.

**Саъдулла АБДУЛЛАЕВ,**
**Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот Давлат институти директори.**
**Эргаш ЗИЯМУҲАМЕДОВ,**
**институт катта илмий ходими.**

# Омонатлар – қонун ҳимоясида

(Боши 1-бетда)

Ўтган уч йил давомида Фонд олдига қўйилган мақсад ва вазифаларнинг ижросини таъминлашда олиб борилган ишлар ҳақида мухбиримиз Фонд ижроия директори Ў.У.Ниғматов билан суҳбатлашди.

**–Ўткир Убайдуллаевич, Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш Фондининг ташкил этилганига ҳам уч йил бўлди. Фондни ташкил этишдан кўзланган мақсад ва унинг олдига қўйилган вазифалар ижроси ҳақида сўзлаб берсангиз?**

– Ўтган асрнинг 90-йилларида ҳамдўстлик мамлакатларининг баъзиларида бўлиб ўтган молиявий инқирозлар – аҳолининг банкларга бўлган ишончи сусайишига сабаб бўлган эди. Сиз тилга олган Қонундан кўзланган асосий мақсад – аҳолининг ижтимоий ҳимояга, республикада фаолият кўрсатаётган банкларга бўлган ишончини ошириш, уларнинг банкдан ташқарида сақланаётган бўш пул маблағларини банк омонатларига молиявий ресурс сифатида жалб қилишдан иборат.

Бундан ташқари, мазкур қонун аҳолининг банклардаги омонатларини ҳимоялаш тизимини ташкил этишга ҳам асос бўлди. – Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш Фонди ташкил этилди. Унинг Низоми, кузатув Кенгаши аъзолари тасдиқланди ва Фонд фаолият юрита бошлади.

Фонд фаолиятининг мақсади – банкнинг банк операцияларини ўтказиш ҳуқуқини берувчи лицензияси Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан қайтариб олинган тақдирда, фуқароларнинг банклардаги омонатлари бўйича ҳақ тўлашни Қонунда назарда тутилган шартларда ва миқдорларда кафолатлашдан иборат.

Ўз олдига қўйилган вазифаларни бажариш учун Фонд барча тижорат банкларини Фондга аъзо қилишга эришиши ва қоплаш жамғармасини шакллантириши лозим эди. Шу мақсадда барча меъёрий ҳужжатларни ўз вақтида ишлаб чиқдик, натижада қисқа муддат ичида республикада фаолият кўрсатаётган барча тижорат банклари билан ёзма битим тузилиб уларнинг Фондга аъзо бўлишларига эришдик.

2003 йилнинг 1 январигача Фонд рўйхатига 33 та банк киритилган бўлиб, улардаги аҳоли омонатлари Фонд билан ёзма битим тузилишидан аввал ёки кейин қўйилишидан қатъи назар, Фонд томонидан кафолатланадиган бўлди.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг, чет эл фуқароларининг, шунингдек, фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг банклардаги омонатлари – кафолатлаш объекти бўлиб ҳисобланади.

Фондимизда кафолатлашнинг молиявий асоси сифатида қоплаш жамғармаси тузилган бўлиб, ундаги маблағларнинг манбаи – банклар томонидан доимий равишда тўлаб бориладиган бадаллардир.

Бадал миқдори аҳоли омонатларининг ҳар чоракдаги ўртача қолдиғининг 0,5 фоизи миқдорида белгиланган. Ўтган уч йил давомида банклардан 9,7 миллиард сўм миқдорида календар бадал келиб тушди. Календар бадалларни инвестиция қилиш ҳисобига олинган даромад билан бугунги кунда қоплаш жамғармаси 10,7 миллиард сўмни ташкил этди.

**–Фонднинг омонатчилар билан ўрнатган алоқаси ҳақида ҳам тўхталсангиз. Умуман, кафолатлаш тизимининг жорий этилиши аҳолининг банкдаги омонатларига қандай таъсир қилмоқда?**

–Кафолатлаш тизимининг умумий иш юритиш ва омонатларни тўлаб бериш тартибидан омонатчиларнинг хабардорлиги – ушбу тизимнинг самарали фаолият кўрсатиши учун муҳим омил бўлиб, Фонд омонатчилар билан алоқа ўрнатишни ўз фаолиятининг устувор вазифаларидан бири деб белгилаган.

Ушбу мақсадда банкларга омонатларни кафолатлаш тизими тўғрисида омонатчиларга маълумот етказиш ҳақида тавсиялар берилди. Банкларга, аҳоли билан ишловчи ҳар бир шохобчада маълумотлар тахтасини стендини ташкил этиш, унда Қонун ва қарор матнини, Фонд Низоми, унинг манзили ва аъзо банклар рўйхатини жойлаштириш борасида тавсия берилди. Бундан ташқари банкларнинг ҳар бир бўлимида мижозларга кафолатлаш тизими қоидаларини шарҳлаб, тушунтириб бера оладиган масъул ходим ишлаши таклиф этилди. Ушбу тавсиялардан мақсад – кафолатлаш тизимига ва банкларнинг омонатларни жалб қилиш ишларига нисбатан одамларнинг ижобий фикрини шакллантиришдир.

Омонатларни кафолатлаш тизимини жорий этганимиз ва унинг фаолиятидан аҳолини хабардор қилаётганимиз, авваламбор, аҳолининг банк тизимига бўлган ишончи ортишига сабаб бўлди. Бу эса ўз навбатида банклардаги омонатларининг кескин ўсишига таъсир қилди.

2002 йилнинг апрел ойида Қонун қабул қилингач, банклардаги аҳоли омонатларининг ҳажми 2003 йилнинг 1 январигача 86,6 фоизга, ўтган уч йил давомида эса 4 баробарга ошди.

Сифат ўзгаришлари нафақат омонатларнинг ҳажми ўсишида, балки уларнинг таркибида ҳам намоён бўлди. Агар 2003 йил 1 январгача омонатлар таркибида талаб қилиб олинадиган омонатлар ҳажми – 43,3 %, муддатли омонатлар – 47 % ва жамғарма омонатлар – 9,7 % ни ташкил этган бўлса, бугунги кунда талаб қилиб олинадиган омонатлар ҳажми пасайиб – 21 % ни, муддатли ва жамғарма омонатлари ҳажми ўсиб, умумий омонатлар ҳажмининг 56 ва 22 фоизини ташкил этмоқда.

Муддатли ва жамғарма омонатларнинг ўсиши банкларга маблағларни республика иқтисодига инвестиция қилиш ва аҳолининг ўзига истеъмол кредити сифатида таклиф қилиш имконини берди.

**–Фонднинг омонатчилар олдидаги мажбуриятларини бажариши қандай бўлаётир?**

–Фонднинг омонатчилар олдидаги мажбурияти банк тўлов қобилиятини йўқотиб, Марказий банк томонидан унинг лицензияси қайтариб олинган тақдирда юзага келади. Фонд маблағлари ҳисобидан омонатчиларга омонатлари бўйича ҳақ тўлаб бериш миқдори республикада ўрнатилган энг кам ойлик иш ҳақи миқдорига боғланган бўлиб, банкнинг белгиланган тартибда тасдиқланган оралиқ тугатиш балансида кўрсатилган омонат қолдиғига асосан ҳисобланади.

Агар банкнинг лицензияси қайтариб олинган кундаги ҳолатига кўра, омонат қолдиғи белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг юз баробар миқдорда бўлса, омонатчининг омонати Фонд маблағи ҳисобидан тўлиқ ҳажмда тўлаб берилади. Борди-ю, омонат миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг юз баробари миқдоридан ортиқ бўлса, юз баробари миқдоридан ортиқ қисмининг 90 фоизи, лекин энг кам ойлик иш ҳақининг 250 баробари миқдоридан ортиқ бўлмаган суммада тўлаб берилади.

Кафолатлаш миқдорининг ўсиши республикада белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг ўсишига боғланган бўлиб, унинг миқдори ошса, кафолатлаш ҳажми ҳам ортади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 сентябрдаги Фармонига мувофиқ, 2005 йил 1 октябрдан бошлаб республикадаги энг кам ойлик иш ҳақининг 9400 сўм қилиб белгиланиши билан кафолатли ҳақ тўлаб бериш ҳажми ҳам ошди.

Фонднинг етарли даражада маблағ билан таъминланган бўлиши аҳоли учун катта аҳамиятга эга. Ушбу мақсадда қонунда фуқароларнинг омонатлари бўйича ҳақ тўлаш учун Фонднинг маблағлари етарли бўлмаган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарорига биноан Фондга ссуда берилиши назарда тутилган. Шундай экан, омонатчилар банкда муаммо юзага келган тақдирда Фонд маблағлари ҳисобидан қисқа муддат ичида ўз омонатларини олиш имконига эга бўладилар.

**Суҳбатдош:М.Аҳмедов**


**Диққат!**

**Базальт толали иссиқликдан ҳимоя воситаси.**

Қишда иссиқ, ёзда салқин.

Қўллаш соҳалари:

Баланд қаватли уйлар томини ёпишда, ташқи ва ички деворларга ишлов беришда, қаватлар ўртасидаги тўшамаларда, ҳаммом ва сауналарда, сув қувурларини ҳимоялашда ишлатиш мумкин.

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган янги қурилиш хом ашёси

Узоқ чидамлилиги, табиий таъсирларга берилмаслиги, экологик зарарсизлиги, шовқин ўтказмаслиги билан ажралиб туради

Базальт вата. Рулонли ўрамалар. Юмшоқ тўшама.

**Тел: (998-71) 118-84-90.**

Товар сертификатланган

"ТЕХСЕЛЬСНАБ" МЧЖ

Тошкентдаги омборхонадан Россия ва Украина заводларида ишлаб чиқарилган енгил ва юк автомобиллари ҳамда қишлоқ хўжалик (ғалла ўриш комбайни, тракторлар Т-150, МТЗ, МХ-135, ТТЗ) шиналарини таклиф қилади

Пул ўтказиш йули билан ғалла ва пахтанинг 23210, 23220 траншларини ҳам қабул қилади.

Тошкент ш., Чилонзор-2, Гагарин кўч., 26-уй

Тел.: 77 1210, 77 1451, 79 9468, 103 7234, 158 8575.

АЗ

**АК "Ўзулгуржисавдо"**

**Реализует со склада в г.Ташкенте следующую продукцию:**

*Трубы ВГП, ГОСТ 3262-75
20Х2,8 мм, 40Х3,5 мм, 50Х3,5 мм.
*ТРУБЫ Э/СВАРНЫЕ, ГОСТ 10705-80
57Х3,5 мм, 76Х3,5 мм, 89Х4 мм, 102Х4-5 мм, 108Х4 мм, 114Х4 мм, 159Х6,8 мм, 168Х8 мм, 219Х8,9; 10 мм, 325Х8 мм, 377Х8 мм; 426Х6-18 мм.
*Листы стальные Г/К 11,12 мм
*Электроды сварочные МР-3 О 4 мм
*Оборудование для парикмахерских
*Алюминиевые подвесные потолки
*Подвесные потолки картонного типа "Армстронг"
*Перфораторы разных марок, электродрели
*Электропилы дисковые для резки металла
*Пилы дисковые для резки металла о 35,40 мм
*Ручные электрофрезы, электропилы (для резки кафеля и алюминия)
*Эсксопилы
*Слесарно-монтажные инструменты (фрезы, сверла, метчики, ключи гаечные, плашки, алмазные бруски)
Припой ПОС-30, ПОС-40 Электроды нержавеющие – НЖ-13, ЦЛ-11 о 4 мм
*Мини-генераторы бензиновые
*Наборы инструментов
*Плитку облицовочную керамическую
*Плитку облицовочную половую
*Кубики керамические неглазурованные для мозаичных работ
*Электрооборудование (насосы, водяные помпы)
*Аэрогенераторы и солнечные генераторы
*Мельницы для размола муки
*Оборудование для очистки риса
*Пиломатериалы, деловая древисина

Так же имеем возможность поставить по заказу Магистральные трубы в течении 15-17 дней ГОСТ 20295-85; ГОСТ Р52079-2003 и др. ТУ 14-3Р-01-93, следующих диаметров:
530 х 7-24 мм; 610 х 7,9-24 мм; 630 х 7-24 мм
720 х 7,3-30 мм; 762 х 7,9-30 мм - 30 мм
1020 х 8,8-32 мм; 1067 х 9-32 мм

При больших объемах поставок труб могут быть снижены цены

**Имеет возможность поставить по заказам потребителей:**

*Мини-шиферный завод *Мини-оборудование для производства полиэтиленовых труб *Мини-завод по выпуску хлопкового масло *Солнечные электростанции *Мини-мукомольный завод Мини-завод по переработке хлопковых семян *Трубы и металлопродукцию всех размеров Товар сертифицирован

г.Ташкент, ул.Навои, 7. Тел.: 139-27-15, 139-27-16, 144-59-53.
E-mail: uz_savdo@mail.ru

**ТАШКИЛОТ ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРДАН**

автомобиллар ва қишлоқ хўжалиги техникаси учун қуйидаги корхоналарда ишлаб чиқарилган кенг ассортиментдаги

**ШИНАЛАРНИ**

сотади:

ЕНГИЛ МАШИНАЛАР УЧУН, ЕНГИЛ ЮК ТАШУВЧИ МАШИНАЛАР УЧУН, ОҒИР ЮК ТАШУВЧИ МАШИНАЛАР УЧУН, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТЕХНИКАСИ УЧУН

Тел : (99871) 137-10-61, 137-20-76, 137-20-84, 334-64-21

Шиналар буюртма бўйича 30-35 кунда Украина ва Россиядан вагонларда келтирилади.

ROSAVA DNEPROSHINA ДНЕПРОШИНА ИСТОК

Улгуржи ва чакана савдо қилиш филиаллари манзиллари:

Наманган ш.,Дўстлик шоҳкўчаси,1-А уй. Тел.: (3692) 24-56-60.
Андижон ш.,Мирпустин к.,20-уй. Тел.: (3742) 24-04-88.
Данғара ш.,Тошкент к.,74-уй. Тел.: (37357) 2-19-06.
Термиз ш.,Ч.Сафаров к.,80-уй. Тел.: (37622) 2-45-85.

ТОВАРЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН. ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН.


## "КАТТАҚЎРҒОНДОН":

# Шуҳрат қайта тикланади

***Илгари яхши ном қозонган "Каттақўрғондон" корхонаси деярли икки йилча оғир аҳволда қолди. Дебитор ва кредитор қарзлар кўпайиб, ишчиларга маош бериш қийинлашди. Корхона фаолияти бутунлай тўхтаб қолган пайтлар ҳам бўлди. Оқибатда корхона "Оқтошдон" комбинатига қўшиб юборилди. Аҳвол барибир яхшиланмади.***

"Комбинатга яхши раҳбар топиш керак", деган хулосага келишди кўпчилик. Шундай қилишди ҳам. Узоқ йиллар, аниқроғи, 1977 йилдан бери шу даргоҳда муҳандис бўлиб ишлаб келаётган Олимжон ака Ғайбиев "Оқтошдон" акционерлик жамиятининг "Каттақўрғондон" филиали директори этиб сайланди.

Буни қарангки, кадр танлашда бу гал адашилмаган экан. Янги раҳбар биринчи галда корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифатини яхшилашга эътиборни қаратди. Шу мақсадда цехларни қайта таъмирлатди. Айрим эскирган ускуналардан воз кечилиб, ўрнига янгиси ўрнатилди. Инсон омилига асосий эътибор берилди. Ишчиларнинг иш ҳақи ва дам олиш шароити яхшиланди.

Бундай саъй-ҳаракатлар бежиз кетмади. 2004 йили корхона қарзлардан қутулиб, ўзини бироз тиклаб олди. Маҳсулотлар сифати яхшиланиб, экспортга йўл очилгач, шу йил биринчи чорагиданоқ

**ИНТИЛИШ**

ишлар янада юришиб кетди.

Корхонада биринчи чоракнинг ўзида 2160 тонна ун, 1264 тонна омухта ем ишлаб чи?арилиб, 12 миллион 603 минг сўм соф фойда олинди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан даромад тўққиз баравар ошганлигини кўрсатади. Соф рентабеллик даражаси эса 2,6 фоизга кўпайди.

Корхона аҳли бундай муваффақиятларга юқорида таъкидлаганимиздек, меҳнат интизомига қатъий риоя қилганлиги, хорижий давлатларга маҳсулот экспорт қилганлиги туфайли эришди. Яъни, феврал ойида 1962 тонна буғдой, 512 тонна ун 317 минг 233 АҚШ долларига, мартда 1100 тонна буғдой, 960 тонна ун 295 минг 553 АҚШ долларига, апрел ойида 1088 тонна ун 190 минг 400 АҚШ долларига хорижий давлатларга сотилди. Шу туфайли корхона 2004 йил давомида 5 миллион 400 минг соф фойда олган бўлса, ана шу кўрсаткич 2005 йил биринчи чорагининг ўзида 12 миллион 603 минг сўмни ташкил этди.

– Жамоамизда меҳнат аҳлига эътибор кучайтирилган, – дейди корхона ходимлар билан ишлаш бўлими бошлиғи Нормурод Шерназаров. – Ишчиларнинг ўртача иш ҳақи 55-60 минг сўмни ташкил қилаяпти. Кўп болали, кам таъминланган оилаларга 2 миллион 870 минг сўм миқдорида моддий ёрдам берилди. Наврўз айёмида 1 миллион 750 минг сўмлик совға тарқатилди. Мустақиллик ва бошқа байрамларда ҳам барча ходимлар рағбатлантирилиб борилмоқда. Ишчилардан Холбой Бобоев, Фарҳод Аҳмедов, Нурмурод ва Бобомурод Бобоевлар фахримиз ҳисобланишади.

"Каттақўрғондон" корхонаси ривожланиш сари дадил қадам ташлаяпти. Жамоа аввалги шуҳратини тиклаш учун астойдил интилмоқда.

**Мамадиёр ЗИЁДИНОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

ТАДБИР

# Лойиҳа муҳокамада

***Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ва партия фаоллари ўз дастурларига асосан юртимиздаги нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорликни кучайтириб келаётир.***

Партия дастурида ҳам нохукумат ташкилотлари фаолиятига алоҳида эътибор қаратилган. 2005 йилнинг 19 майида эса бевосита ЎзЛиДеП ташаббуси билан Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари Миллий ассоциацияси тузилди.

ЎзЛиДеП жамият ҳаётида ва давлатни бошқаришда онгли равишда ва масъулият билан иштирок этишнинг фуқаролар манфаатларига мос бўлган хилма-хил шаклларини таъминлаб берадиган нодавлат нотижорат ташкилотларининг кенг тизимини шакллантиришдан манфаатдордир.

Айни кунларда ЎзЛиДеП Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари Миллий ассоциацияси билан ҳамкорликда "Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонун лойиҳасини кенг жамоатчиликка етказиш мақсадида юртимиз бўйлаб минтақавий давра суҳбатларини ўтказишга киришди. Хусусан, 7 сентябр куни Гулистон шаҳрида ўтказилган тадбирда ЎзЛиДеП, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари Миллий ассоциацияси ва Сирдарё вилоятида фаолият юритаётган нодавлат нотижорат ташкилотларнинг раҳбарлари, мутахассислари, экспертлари, маҳаллий ҳокимият органлари, жамоат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

Тадбир иштирокчилари муҳокама этилаётган қонунга бугунги кунда катта эҳтиёж сезилаётганлиги, уни амалга татбиқ қилиш вақти етганлигини алоҳида таъкидлаш билан бир қаторда мазкур қонун лойиҳасига ўзларининг кўп йиллик ҳаётий тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда таклифлар, фикр ва мулоҳазаларини билдирдилар.

**ЎзЛиДеП Матбуот хизмати**

## Ўзбекистон Республикаси Давлат-тижорат Халқ банкининг "Истиқлол" қисқа муддатли ютуқли омонати бўйича 2005 йил 16 сентябрда Урганч шаҳрида ўтказилган ютуқлар тиражининг

## РАСМИЙ ЖАДВАЛИ

| № | Ютуқ миқдори (сўм) | Вилоят | Халқ банки филиали | Халқ банки шохобчаси | Ҳисобварақа рақами |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 1 000 000 | Хоразм | Қўшкўпир | 011 | ИЛ1-2 |
| 2 | 250 000 | Наманган | Тўрақўрғон | 07 | ИЛ1-2 |
| 3 | 250 000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Қорақалпоғистон Респ. амалиёт бўлими | 04 | ИЛ1-5 |
| 4 | 200 000 | Фарғона | Бувайда | 011 | ИЛ1-1 |
| 5 | 200 000 | Хоразм | Питнак | 02 | ИЛ1-5 |
| 6 | 100 000 | Наманган | Тошбулоқ | 07 | ИЛ1-17 |
| 7 | 100 000 | Наманган | Янгиқўрғон | 040 | ИЛ1-4 |
| 8 | 100 000 | Наманган | Чортоқ | 04 | ИЛ1-2 |
| 9 | 50 000 | Қашқадарё | Чироқчи | 025 | ИЛ1-26 |
| 10 | 50 000 | Хоразм | Гурлан | Амалиёт бўлими | ИЛ1-128 |
| 11 | 50 000 | Хоразм | Шовот | Амалиёт бўлими | ИЛ1-55 |
| 12 | 50 000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Қораўзак | 01 | ИЛ1-4 |
| 13 | 50 000 | Фарғона | Марғилон | Амалиёт бўлими | ИЛ1-20 |
| 14 | 50 000 | Наманган | Вилоят амалиёт бўлими | 0102 | ИЛ1-1 |
| 15 | 50 000 | Наманган | Вилоят амалиёт бўлими | 086 | ИЛ1-17 |
| 16 | 50 000 | Қорақалпоғистон Респ. | Тахтакўпир | Ўзбекистон м/б | ИЛ1-2 |
| 17 | 50 000 | Тошкент вилояти | Чиноз | 02 | ИЛ1-1 |
| 18 | 50 000 | Наманган | Тўрақўрғон | 053 | ИЛ1-8 |
| 19 | 50 000 | Қашқадарё | Ғузор | 016 | ИЛ1-14 |
| 20 | 50 000 | Тошкент шаҳар | Шаҳар амалиёт бўлими | 0187 | ИЛ1-1 |
| 21 | 25 000 | Тошкент вилояти | Бўстонлиқ | Амалиёт бўлими | ИЛ1-7 |
| 22 | 25 000 | Хоразм | Боғот | Амалиёт бўлими | ИЛ1-4 |
| 23 | 25 000 | Қашқадарё | Шаҳрисабз | 012 | ИЛ1-1 |
| 24 | 25 000 | Андижон | Балиқчи | 038 | ИЛ1-1 |
| 25 | 25 000 | Тошкент вилояти | Оққўрғон | 01 | ИЛ1-12 |
| 26 | 25 000 | Наманган | Вилоят амалиёт бўлими | 099 | ИЛ1-2 |
| 27 | 25 000 | Хоразм | Боғот | 011 | ИЛ1-6 |
| 28 | 25 000 | Қашқадарё | Косон | 032 | ИЛ1-2 |

**Ҳайъат раиси – Урганч шаҳар ҳокимининг иқтисод масалалари бўйича муовини** **К. ШАРИПОВ**

**Масъул котиб – Халқ банки Жамғарма ишларини ривожлантириш ва қимматли қоғозлар Департаменти директори** **К. МАДРАҲИМОВ**


ПРОДАЖА АВТОМОБИЛЕЙ "ГАЗ"




ГРУЗОВЫЕ, ГРУЗОПАССАЖИРСКИЕ, ПАССАЖИРСКИЕ - Цельнометаллические и бортовые с тентом. ЛЕГКОВЫЕ, СПЕЦ АВТОМОБИЛИ: ПРОМТОВАРНЫЕ, ИЗОМЕТРИЧЕСКИЕ, ХЛЕБОВОЗ, МУСОРОВОЗ, ПЕРЕВОЗКА ГАЗБОЛОНОВ, ЭВАКУАТОРЫ, СКОРАЯ ПОМОЩЬ и другие на базе ГАЗЕЛЬ, ГАЗ-3307(09)

г. Ташкент, тел/факс 168 0961. E-mail: prima74@mail.ru


**ООО "Прогресс Инвест" находящиеся по адресу Российской Федерации, г.Москва, ул. Радио, 10, намерено купить акции простые именные безналичные ОАЖ "Ўртачирчиқпарранда" расположенного по адресу Ташкентская область, Урта Чирчикский район, пос. Птицафабрика, в количестве 342571 штук, что составляет 90 % от общего Уставного фонда. Тел.: 137-02-99.**

# Бухоро қоракўли

(Боши 1-бетда)

Уларнинг заҳматли меҳнатларини бошқа бирон соҳа юмуши билан алмаштириб бўлмайди, – дейди Бухоро вилояти қоракўл ишлаб чиқариш бирлашмаси раиси Неъмат Мамаризаев. – Тўрт фасл тугал, кечаю-кундуз, уйғоғу-хушёр бўлиб дастурхонларимизнинг кўрки бўладиган ноз-неъматларни яратади чорвадор.

Чорва аҳли учун энг масъулиятли мавсум – қишловга ҳам оз фурсат қолди. Ўтган йили биз қировли кунларга бемалол етиб ортадиган даражада озуқа жамғарган эдик. Айни пайтда саккизта қоракўлчиликка ихтисослаштирилган хўжаликларда 235 минг бош қўй-қўзи, 640 бош йилқи, 1800 бош туя, 120 бош қорамол 1 миллион 649 минг гектар яйловларда яйратиб боқилмоқда.

Бу мавсумда 22053 дона қоракўл тери ишлаб чиқилди. Бухоронинг қоракўл терилари ўзининг кумуш ва тилларанглиги, нафислиги, қолаверса, харидоргирлиги билан ажралиб туради.

Неъмат Мамаризаевнинг айтишича, Қизилқумнинг қоқ ўртасида жойлашган хўжаликларда қўй боқаётган чўпон-чўлиқларнинг ҳолидан ҳам мунтазам равишда хабар олиб турилади. Ромитан туманига қарашли "Қизилработ" ширкат хўжалиги вилоят марказидан 300 чақирим олисда жойлашган. У ерга бирор бир хабарни етказишнинг мушкул. Чорвадорлар эҳтиёжи – ем-хашак, ёқилғи, озиқ-овқат маҳсулотларининг асосий қисмини туман ҳокимликлари билан биргаликда ўзимиз таъминлаймиз. Чорвага масъул шахс ишни қандай бўлмасин олдинга юргазишни ўйлаши зарур. Ана шунда шубҳасиз кўзланган мақсадга эришиш мумкин.

## От кишнаган оқшомлар

Панжи чавандоз арғумоқларнинг безовта дупур-дупуридан уйғониб кетди. Отбоқар апил-тапил пўстинини кийди-да, йилқилар томонга шошилди. Шу маҳал сал нарида уст-ма-уст милтиқ товуши эшитилди. Чавандоз чўчиб тушди. Панжи оға йилқилар ёнига етиб келганида ёрдамчиси фонус ёруғида ҳозиргина дунёга келган тойга парвона бўлар, она бия эса улар атрофида гир айланарди.

– Эсон-омон қутулиб олди жонивор. Ўзиям тойчоғи туғилгунча анча қийналди. Аксига олиб шу маҳал қашқирлар оралаб қолса бўлардими? Худонинг ўзи ёрдамчингизни етказди. Бўлмаса...

Панжи чавандознинг ёрдамчисига меҳри товланиб кетди. У ўзининг узоқ йиллик чўпонлик фаолияти давомида жудаям кўп мушкулотларга дуч келган. Лекин ҳеч маҳал қийинчиликлардан чўчимаган. Полвонга отининг жиловини тутқазишни орзу қилган отбоқарлар жуда кўп. Аммо у синовига бардош берган отнигина танлайди. У эгарга қушдек енгил қўнгач, оёқлари билан отнинг қорнидан қисиб кўради. Шунақа пайтда "мана-ман" деган отлар ҳам типирчилаб, йиқилиб қолганини ўз кўзи билан кўрганлар бор.

Яқинда Панжи чавандозни йилқилар орасида учратиб гурунглашдик.

– Чавандоз, қачондан бошлаб кўпкари чопасиз?

– Ота-боболаримиз ҳам чавандоз ўтишган. Шу сабабдан муштдайлигимдан бошлаб кўпкари чопаман. Бу ўйиннинг менга адолатлилиги кўпроқ маъқул келади. Негаки, улоқда йигитнинг абжири, зўри иштирок этади-да.

– Бундан чиқди, чавандозлик ота касб экан-да?

– Йўқ, бу касб эмас – кўнгил иши десам асло янглишмаган бўламан. Сабаби, қонида бўлмаса ҳеч бир чавандоз улоқ чопа олмайди.

– Кўпкарининг ўзи аниқ қонун-қоидаси борми?

– Билишимча, юртимизнинг ҳар жойида кўпкарини ҳар хил чопишади. Жиззах тарафлардаги кўпкарида улар катта майдоннинг икки четига сомондан айлана ясашади. Қачонки чавандоз улоқни сомон ичига ташласагина ҳалол ҳисобланади. Акс ҳолда...

– Сизларда-чи?

– Биз томонларда сомон йўқ. Улоқни тўдадан кўтариб, отлардан 20-30 метр ўзиб ташласангиз ҳалол. Менимча бу ҳолда "тайёр ошга баковул"лар бўлмайди. Яна ким билади дейсиз.

– Улоқнинг оғирлиги қанча бўлади?

– 80-100 килогача боради. Асл муддаоси замирида бироз бахиллик аралашган яна бир одатни айтай: тўй соҳиблари баъзида таканинг оғирлигига қаноат қилмасдан 2-3 ёшли ҳўкизчаларни ҳам улоқ ўрнида сўйиб ўртага ташлайди. Энди ўша 500 отлиқ йиғилган даврадан 100-150 кило келадиган танани кўтариб, тақимига олиб судраб, айириб чиқсангиз, олган той ёки туянгиз она сутидай ҳалол бўлади.

– Улоққа кирадиган отларнинг бошқа отлардан фарқли жиҳатлари борми?

– Худо бу жониворларга фақат тили забон бермаган холос. Тўдага кирганда улоқни олиш учун сизга барча шароитни яратиб беради. Ҳатто улоқ устига боргач, тиз чўкадиган, бир елкасини тутадиган отлар ҳам бор. Бу отлар бошқа жониворлардан еб-ичишидан ташқари "катта юракли"лиги билан ажралиб туради.

Чавандоз Панжи Холиқов билан отнинг хусусиятлари ҳақида узоқ суҳбат қурдик. Чавандоз гап орасида ўзининг бош чўпон эканлигини ҳам қистириб ўтди. У бу мавсумда 506 бош қўй-қўзини яйратиб боқаётган экан. "Ўзимга "Нексия" машинаси ҳамда 123 бош тирик қўзи натура тарзида берилди", дейди у.

Чиндан ҳам Қоровулбозор туманидаги "Қоровулбозор" қоракўлчилик хўжалигида Панжи Холиқов, Илҳом Ҳасанов сингари чўпон-чўлиқларнинг астойдил жон куйдиришлари сабабли чорва бош сони йил сайин кўпайиб бормоқда.

– Деҳқон тирноқлаб топса, чўпон бойликни таёқ ўйнатиб топади. Шундай, меҳнатдан қочмаган одам минглаб қўй боқади, егани жиққа ёғ-мой бўлади. Ҳар гал суруви яйловга ёйилганини кўрганда чарчоқлари ёзилгандай бўлиб кетаверади, - дея суҳбатга қўшилди Қоровулбозор туманидаги "Қоровулбозор" қоракўлчилик хўжалиги раҳбари Баҳриддин Исматов. – Замин сахий. Ёмғир кам ёғса ҳам янтоқ, шувоқ кўкаради. Қимирлаган одам чорвасига емини топиб беради. Ҳозирги кунга келиб бир юз беш минг гектарлик яйловларимизда қирқ олти минг бош қўй-қўзини уч юз эллик етти нафар чўпон-чўлиқларимиз яйратиб боқишмоқда. Оқина, Пўстиндўст, Деволқоқ яйловларида 450 хонадон умргузаронлик қилади. Яйловларимизнинг бир учи қашқадарёлик чўпонларнинг, иккинчи томони эса туркман қўйчивонларининг манзилларига бориб тақалади. Саховатли Бухоро заминида, кўпчилик билса керак, офтобда дур, гавҳар, ақиқ ва фирузадек товланадиган ноёб қоракўл терилари етиштирилади.

Баҳриддин Исматовнинг эътироф этишича, бугун Бухоро вилоятида қоракўлчилик соҳасининг ўсиш-ўзгариш аломатлари кўзга ташланмоқда. Соҳани ривожлантириш, наслчиликни тубдан яхшилаш борасида дадил қадамлар ташланмоқда.

## Қўрангиз қуруқ бўлмасин

– Илгари қишлоқларда йигитлар қиши билан гоҳ у, гоҳ бу уйда тўпланиб, тонготар қилиб карта ўйнашарди. Кейин бу одат кескин камайди, - дейди Қоракўл туманидаги "Қоракўл" наслчилик хўжалиги раҳбари Абдураҳмон Абдуллаев. – Ота-боболаримизнинг касби – кўпкари ривожланаяпти. Ҳозир "Қоракўл"да ҳам, атрофдаги бошқа қишлоқларда ҳам ҳар бир ҳовлида, қўй-мол боқиш, отдан ташқари, кўпкари чопадиган отлар бор. Йигитлар ана шу отларни парваришлайди, қаерда кўпкари бўлса, ўша ерга бориб, баҳодирлигини кўрсатади.

Кўп йиллик тажрибали чорва билимдони Абдураҳмон Абдуллаевнинг айтишича, ўн-ўн беш йиллар олдин Қоракўлда ёш-яланглар чўпонлик қилишни ор билишарди. Бирининг чўлга, иккинчисининг шаҳарга ўриб кетиши одат тусига кирган эди. Тўғриси, Ғофур Қорбостиев ҳам аввалига шаҳарга тушмоқчи бўлди. Борди ҳам, аммо дарров изига қайтди. Чунки муштайлигидан отасига эргашиб, яйловда қўй-қўзи боқиб, катта бўлган йигитга шаҳар сал ёқинқирамагандай бўлди. Кенгликлар, қум-барханлари билан қопланган чўли биёбонлар уни чорлайверди. Хуллас, отаси ҳузурига қайтиб, чўпонлик қила бошлади.

Ғофур Қорбостиев "Қоракўл" хўжалигининг ўттиз йиллик тажрибага эга бўлган уста чўпонларидан бири экан. Ғофур чўпон билан бийдай далада гурунглашдик.

– Ишлар ёмон эмас, - дейди Ғофур оға салом-аликдан сўнг. – Ният туври бўлса, кам бўлмайсизакан. Ҳаммаси бўлади, аввало тинчлик, хотиржамлик бўлсин. Бизди умримиз шу қўйди ортидан ўтаяпти. Ҳар ҳолда кўрган кунимдан сираям нолимайман.

– Таъминотдан-чи?

– Арпа-буғдойма, жемишма, сўрасак хўжалик катталари беради, йўқ демайди. Уйда унча-мунча мол-ҳол бор.

– Қанча?

– Ўзимни оиламга бемалол етиб-ортади-да ука.

– Даромад қандай бўлаяпти?

– Очиғи, даромадимиз чакки эмас. Ўтган мавсумда менинг ўзимга 80 бош қўзи қолди. Азалдан қоракўлликларнинг чўпонлик қонида бор. Ота-боболаримизнинг тирикчилиги ҳам шу касб ортидан бўлган, бола-чақасини боқишган. Қолаверса, чўпонлар пири ҳисобланган. Чибирдан отанинг қабри ҳам хўжалигимиз ҳудудида жойлашган. Бу ер ҳозир катта зиёратгоҳга айланиб улгурди.

Хўжаликда айни пайтда ўттиз минг атрофида қўй-қўзи, туя, йилқилар боқилмоқда. Келажакда чорва туёқ сонини янада кўпайтириш режалаштирилган. Бундан ташқари ҳар бир ҳовлида кўпкари чопадиган улоқчи отлар бор. Э, нимасини айтасиз, кўпкари барибир зўр ўйин-да.

Хўжалик бошқаруви имкон қадар чўпон-чўлиқларни рўзғори учун зарур бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда иссиқ кийим-кечак билан таъминлаб келаяпти. Бундан ташқари хўжалик ҳудудидаги мактаб ва бошқа жойларга ҳомийлик ёрдамлари кўрсатиб келинмоқда. Ҳозир кузнинг бошланиши. Чўпон-чўлиқлар эса қишловга ҳозирдан тайёргарлик кўрмоқда.

Биз бугун Бухоро вилояти қоракўлчилик бирлашмасига қарашли наслчилик хўжаликларида амалга оширилаётган ишлардан бир шингил ҳикоя қилдик, холос. Истиқлол ислоҳотларидан қувват олган воҳа чорвадорларининг ютуқлари эса чиндан-да бисёр.

**Улуғбек ЖУМАЕВ, "Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**




## Курбонлар кун сайин ошмоқда

***АҚШда содир бўлиб ўтган "Катрина довули" қурбонлари сони ортиб боряпти. Расмий маълумотларга қараганда, офат қурбонлари 883 нафарга етган.***



Луизиана штати соғлиқни сақлаш департаменти шу ҳақда маълум қилган. Департамент ҳисоботига кўра, Янги Орлеан шаҳрида ҳозирга қадар 646 нафар одам жасади топилган. Миссисипида 218 нафар, Флорида, Алабама, Жоржия ва Теннесси штатларида эса 19 фуқаро қурбон бўлган. Рақамлар кўрсаткичи ҳали ошиши айтилмоқда.

Эй-Би-Си телекомпаниясининг тарқатган хабарларида келтирилишича, Флоридага яқинлашиб келаётган "Рита" довули туфайли штатда фавқулодда ҳолат эълон қилинган.

## Келишувнинг хайрли якуни

***Шимолий Корея ядровий дастурлари борасида олиб борилган олти томонлама келишувларнинг тўртинчи босқичи муваффақиятли якунланди.***



Бу галги келишувларга раислик қилган Хитой ташқи ишлар вазири ўринбосари У Дав Эй сўзига кўра, охирги уч йил ичида олиб борилган келишувларнинг якуний натижалари хайрли бўлди. Ўзаро тузилган битимга биноан Шимолий Корея ядровий қурол ишлаб чиқаришдан воз кечди. Яқин кунлар ичида Пхеньян расмийлари ядровий қуролларни тарқатмаслик тўғрисидаги битимга аъзо вакиллар делегациясини янгилайди. Шунингдек, Шимолий Корея МАГАТЭ назорати остида тинч мақсадларда қўлланиладиган ядровий иншоотлардан фойдаланиш ҳуқуқига эгалик қилади.

## ХАМАС нимадан норози?

***ХАМАС террорчи ташкилотининг ўн мингдан зиёд қуролли тарафдорлари Ғазо секторида норозилик намойишлари ўтказишмоқда.***



Радикал ташкилотнинг тарафдорлари Фаластин ҳукумати томонидан жангарилар қўлидаги қурол-яроғларни тортиб олишга уринган ҳаракатларига ўз норозиликларини билдиришмоқда.

Бундан аввалроқ Исроил Бош вазири Ариэл Шарон агар ХАМАС ўзининг низомларини ўзгартирмаса ва аъзоларини қуролсизлантирмаса, Фаластин билан алоқалар яхшиланмаслигини айтиб ўтган эди.

ХАМАС вакиллари эса бунга жавобан Фаластин бутунлай озод этилмас экан қуролни ташлаб, тинчлик йўли тутилмаслигини билдиришди.

## Иттифоқчиликдан бош тортмоқда

***Германия парламент сайловлари федерал бошлиғи Йохан Хален илк натижаларни эълон қилди.***



299 та сайлов участкаларида берилган овозлар натижаларига кўра, Христиан демократлар партияси етакчиси Ангела Меркел 35,2 фоиз, социал демократлар раҳбари Герхард Шредер эса 34,3 фоиз овозга эгалик қилмоқда.

Германия қонунчилигига асосан канцлер лавозимига даъвогар номзодлар 50 фоиздан юқори овозга эга бўлмаса, тўғридан-тўғри ғолиб ҳисобланмайди. Бундай вазиятда Меркел ва Шредерлар коалиция тузган ҳолда парламентни бошқариши мумкин. Бироқ Герхард Шредер рақиби Ангела Меркел билан иттифоқчилик қилиш нияти йўқ. "Фрау Меркел эркин демократлар ёки яшиллар билан коалиция тузмоқчи бўлса марҳамат. Социал демократлар билан бундай йўл тутишни эса хаёлларига ҳам келтиришмасин" дейди амалдаги канцлер.

## Электр тарқатувчи одам

***Австралиялик Фрэнк Клюгер исмли одам ўзи билмаган ҳолда шаҳар маъмурияти биносига ўт қўйиб юборди.***



Фрэнк ҳокимиятга боришдан аввал ўзига анча оро бериб, янги сотиб олган жундан қилинган кўйлаги ва нейлон пиджагини кияди. Бинога киргач эса Фрэнкдан учқунлар сачрайди ва бинога ўт кетади.

Ўт ўчирувчиларнинг зийраклиги масалага ойдинлик киритади. Фрэнкнинг устидаги нейлон пиджакни махсус қўлқопларда ечиб олишди. Уни текшириб кўришгач, жун мато ва нейлоннинг ишқаланиши оқибатида 40 минг вольтли электр заряди ҳосил бўлгани аниқланди. Мутахассислар айтишича, бир неча сония кечикишганида бечора Фрэнк кулга айланар эди.

**INTERNET хабарлари асосида Ш.САНАЕВ тайёрлади.**

## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2005 йил 20 сентябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:**

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 870,66 | 1 Польша злотийси | 356,48 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 2054,76 | 1 СДР | 1669,80 |
| 1 Дания кронаси | 185,88 | 1 Туркия лираси | 849,35 |
| 1 БАА дирхами | 310,01 | 1 Швейцария франки | 893,69 |
| 1 АҚШ доллари | 1138,56 | 1 ЕВРО | 1385,29 |
| 1 Миср фунти | 197,75 | 10 Жанубий Корея вони | 11,08 |
| 1 Исландия кронаси | 18,36 | 10 Япония иенаси | 102,11 |
| 1 Канада доллари | 964,31 | 1 Россия рубли | 40,23 |
| 1 Хитой юани | 141,07 | 1 Украина гривнаси | 225,46 |
| 1 Малайзия ринггити | 302,09 | | |

*** Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.**

# Мен сендайлик пайтимда

(Боши 1-бетда)

Уларнинг ўзларини меҳнатсевар, доно, одобли бола бўлиб ўсганликларини инкор қилманг. Лекин улар ҳақида бувангиз, бувингиз, бобонгиз, холангиздан сўраб қолсангиз, улар сизга шунақанги кулгили, қизиқ-қизиқ воқеаларни айтиб берадилар.

Қарабсизки, ҳозирги сизнинг соатлаб компьютер олдида ўтиришингиз маъқул келмагани учун дадангиз ўз "қаҳрамонликларини" атайлаб бўрттираётганини тушунасиз. Аслини олганда, дадангиз ҳам худди сиздек шўх, "ишёқмас", урушқоқ ва ҳоказо бўлганлиги табиий.

Аммо, нимагадир кўпчилик ота-оналар ўз ёшликларини тўғриликча эслашиб, уларда ҳам ёшлик, ўсмирлик пайтларида турли хил муаммолар кўп бўлганлигини эътироф этишни кўпинча ёқтиришмайди. Балки силлиққина қилиб, ўзларига ҳозир керак бўлган томонларни бўрттириб кўрсатишса бунинг тарбиявий аҳамияти кўпроқ бўлади, деб ўйлашса керак. Ваҳоланки, ёлғон, бўрттиришларнинг ҳақиқат олдида ҳар қандай тарбиявий сифати сўниб кетишини улар билишармикин?

Нима бўлганда ҳам, ишонаверинг, "сендайлик пайтларида..." уларнинг ҳам муаммолари кўп бўлган. Дарсдан кечга қолиш, дарсга бормаслик, топширилган вазифаларни бажармаслик, қизлар (йигитлар) билан кинога тушиб кетиш ва ҳоказо...

Аксинча бўлса, мактаб олтин медаль билан тугатилар ёки институтга иккинчи бор уринишда кирилмаган бўлармиди. Ёки институтга кирмасдан бугун тузукроқ ишда ишламаслигидан қийналиб юрмаган бўлар эди. Мабодо, "Дада, сиз ҳам имтиҳонлардан йиқилганмисиз?" деб сўрасанг, шунақанги ҳикояларни эшитасанки, афсус билан, одамлар ҳам қизиқ, нимага менинг дадамга Нобел мукофотини беришмаган, дегинг келади.

Шу ўринда ота-оналарга қарата бир-икки оғиз сўз айтгимиз келди. Сиздан ёш, ўсмир болангиз бирон нарса сўраганда ҳақиқатни гапиринг, ҳамма нарсани ҳам бўрттириб кўрсатавериш тўғри тарбиявий таъсир беравермайди. Энг яхши тарбиячи, энг яхши муаллим ҳаёт ва ҳақиқатдир. Шу боис ҳақиқатни болангиздан бир мартагина яширсангиз, у сизга маслаҳат солиб иккинчи маротаба ёнингизга келмаслиги мумкин. Келганда ҳам сизнинг айтган жавобингизга муносабати сиз истагандан бошқачароқ бўлади.

Ўз ёшлигингизни чиндан ҳам ёдга олинг, ота-она, катталар фикрига қўшилмай, ўз билганингиздан қолмай қилган ишларингиз, уларнинг салбий, ижобий натижалари ёдингиздан чиқдими. Сиз фақат ё салбий ёки ижобийсинигина эсламоқдасиз. Ўғлингиз ё қизингиз тушган ҳолатга фақат насиҳатгўйлик нуқтасидан эмас, унга ҳамфикр, ҳамдард, ҳамзамонлик ҳолатидан келиб чиқиб ёндашинг. Шундагина фарзандингиз ҳар қандай вазиятда сизга суянишга ўрганади, сизга талпинади, катта-кичик маслаҳати билан аввало сизга келадиган бўлади.

Фарзандингизни бошқаринг, унга йўл кўрсатинг, аммо унинг ўзлигига, шахсиятига, шаклланиб келаётган ички дунёсига тажовуз қилиб қўйманг. Иккиланиш, адашиш, излаш, топиш лаззатидан маҳрум қилманг. Эҳтимол, сизнинг ишларингиз ҳозир, бутун ҳаётий суриниш-йиқилишлардан кейинги тажрибадан сўнг ҳамма томонидан "5"дир. Лекин бу ҳолат ўз-ўзидан шундай бўлиб қолгани йўқ. Сиз ҳам адашгансиз, сиз ҳам излагансиз, йиқилгансиз, тургансиз, ҳаётнинг асл лаззати мана шунда.



Адашиш, излаш, йиқилиш, туриш, муваффақият ва мағлубиятлар айб эмас. Изламаслик, ҳақиқатдан қочиб ёлғонга, саробга эргашиш, фақатгина ёрдамга суяниб қолиш, йиқилганда руҳан чўкиш ва яна йиқилишдан қўрқиб бошқа интилмаслик ёмон.

Аммо, агар сизнинг ота-онангиз ўз вақтида сизга хафа бўлма, ҳали ёшсан, ҳаммаси ўтиб кетади, ҳой мана буни бундай қил, асабийлашаверма, деган бўлса, буни ҳам қаттиққўллик, деманг. Айни шу ҳолат ҳақиқатга яқинроқ. Ота-онангиз худди мана шундай деган бўлса, бу уларнинг ҳақиқий ҳолатга ҳаққоний жавоб бериш бурчидан келиб чиққанлигидан.

Ота-оналар ҳам бир пайтлар ёш бўлганлиги, адашганлигини ёдидан чиқармаса, деймиз. Ўзингизни фарзандингиз ўрнига қўйиб кўришни, маслаҳат, тарбия, жазо ва рағбатда изчилликни унутманг. Танқидчилик, айниқса ҳадеб жазо бераверишлар тарбияда яхши натижа бермаслиги сизга янгилик бўлмаслиги керак. Ҳаётнинг қайноқ қозонида пишиб етилиш жараёнини бошидан кечираётган ёш ўсмирга энг асосий, энг ишончли суянчиқ, бузилмас қўрғон – бу ота-она.

*Бир кун хуноб бўлдим*
*фарзандлар сабаб,*
*Баъзан қилмишидан*
*бағримдир кабоб.*
*Ўйлаб ҳам кўрмабман,*
*қачондир мен ҳам,*
*Кимнингдир кўксини*
*қилганман селоб.*

## Катталарни ҳам кўндирса бўлади

Кўпинча, катталарга, сиз учун фарзанднинг ўзи нима, деб савол бергинг келади. Ахир, уларнинг кўпчилиги фарзандни ўзларининг ушалмаган орзуларининг ижрочиси, ўзлари етишмаган орзуга айнан мана шу фарзандлари орқали етишадиган восита, деб тушунишлари равшан кўриниб туради. Бундай интилиш ортида энг ёмони, болага унинг ёшлигида тирик ўйинчоқ сифатида қараш юзага келади. Бу қарашни албатта жуда кўпчилик ота-оналар инкор қилади, уни сиз айтсангиз қаттиқ эътироз билдиришади.

Бу ота-оналар орасида фарзандга нисбатан энг кўп учрайдиган муносабатлардан бири, яъни фарзандини ўзлари эришмаган орзулар орқасидан қувдириш, ҳатто унинг ҳаётини бир умр издан чиқаришга олиб келади. Бу ўринда фарзанднинг ўша ота ёки она эришмаган орзуга нисбатан уқув, қобилият ва бошқа имкониятлари бор-йўқлиги кўпинча уларни умуман қизиқтирмайди. Натижада, ёш болага нисбатан маълум маънодаги қувғин бошланади. Ўзлари ўртамиёна музикачи бўлган ва энди туғилган боласининг Моцарт бўлишини орзу қилганларни, ўзлари ҳатто мамлакат чемпиони бўлмаган спортчиларнинг ўз болаларини жаҳон чемпиони қилмоқчи бўлиб елиб-югуришларини сиз ҳам кузатгансиз, балки.

Бу бир йўналиш бўлса, иккинчи йўналиш катталарнинг ўзлари ёшликларида ололмаган имкониятларини болаларига беришни хоҳлашларидир. Бу ҳам баъзан жуда нохуш тус олиб кетади.

Маълумки, советлар даврида ота-оналар режалаштирилган ўртамиёналик ҳолатида катта бўлишган. Улар бугунги имкониятларни кўриб, ўзлари ололмаган қувонч ва моддий имкониятларнинг ҳаммасини ўз фарзандларига раво кўришни, беришни гўёки мақсад қилиб қўйгандай.

Яна бир ачинарли муносабат ҳақида тўхталмай иложимиз йўқ, чунки бу ҳам анча нохуш кўринишларда намоён бўлаётганини учратиш мумкин. Буни туғилган бола устида билиб-билмаган ҳолда тажриба ўтказиш, десак ҳеч муболағаси йўқ. Бунинг сабаб ва мақсадлари баъзан тушуниб қилинган бўлса, баъзан ота-оналар ўзлари билмаган ҳолда бу хатога йўл қўйишади. Яъни, болани ёшликдан турли хил усулларда чиниқтириш, ички имкониятлари бўлмаган бир ҳолатларда унга ўша имкониятларни сунъий равишда сингдиришга киришилади. Қарабсизки, бола ота-она қўлида тирик ўйинчоққа айланиб қолган. Бола учун нақ кўргулик бўлган бу ҳолатда унга энди бошқа йўналишлар ҳам қўшилади-да, ҳаддан ташқари ҳашаматли кийинтириш, ўзи хоҳламаган овқатларни едиришдан бошлаб ортиқча моддий имкониятлар билан болани бутунлай руҳан бузишади, дейиш мумкин. Бир сўз билан айтганда, унинг ўз ҳаёти буткул ўзига татимайди.

Маълумки, шахс туғилгандан эътиборан у қанчалик ота-она ирсий имкониятларини олмасин, ўз ўзлигига интилади. Ҳар биримизнинг ота-онамиз ким бўлишидан қатъий назар, мен бу мен, албатта. Ана шу "мен" инобатга олинмаса, у ҳеч ким бўлиб қолиши мумкин.

Айни шу жойда айтиладиган энг оддий ва энг ҳақиқатга яқин фикр шундаки, ота-она тушунчасида бўлган энг яхши нарса бола, ўсмир тушунчасида ҳам шундай эмас. Бундан йигирма йил илгари энг чиройли саналган кийим бугунги ёшлар назарида кулгили кўринишини биз катталар кўпинча унутамиз. Бу жойда баъзиларимиз болаларимизга бугунги фақат ўта "модний" кийимларни олиб берсак ва бунинг маълум маънодаги салбий натижалари ҳақида ўйлаб ҳам кўрмасак, бошқаларимиз атайлаб болаларимизни замонадан орқага сурмоқчи бўламиз. Негадир боламиз сўраган кийимни баъзан олиб берамизу, аммо ички бир қаршилик ҳисси мавжуд бўлади. Биринчи ва иккинчи ҳолда ҳам, боламиз ҳам замонавий, ҳам кийиниш меъёрини унутмаслиги, кийиниш, маданий, ҳуқуқий ва бошқа ҳаётий нормаларни англашида биз катталар асосий ўрин тутишимиз ёддан кўтарилади.

Келинг, ҳаётий мисолларга ўтсак. Солижон ака деган бир киши бўлар эди. Ўз вақтида донғи чиққан колхоз раиси. Бир неча фарзанди дунёга келганда ҳам улар ким, нима қиляпти, ким бўлиб етишади, деб ўйламаган киши натижада болаларининг тарбиясиз бўлиб ўсаётганини сезиб қолади. Ҳаётида бўлиб ўтган баъзи турткилар сабаб бўлганми, ҳар ҳолда кичкина ўғлини албатта прокурор, судья бўлади деб юрди. Унга вилоят прокурорининг исмини ҳам қўйди ва бу билан мақтаниб юрди. Аммо Азимжон нимжон, нозик, хаёлпараст бир йигит бўлиб ўсди. Ўша пайтда Солижон ака уни юридик институтга киритиб, пуллар сарфлаганини яширмаса ҳам, Азимжон бир неча бор институтни ташлаб кетди. Отасининг ёрдамида бир амаллаб институтни тугатди ҳам. Аммо Азимжондан на прокурор ва на терговчи чиқди. У ўша туғма хаёлпарастлигида ҳали ҳамон расм чизишини канда қилмайди... Балки, ўз вақтида унга тўғри таълим ва тарбия берилганда, Азимжондан яхшигина рассом чиқар эди.

Биз шундай деймизу, аммо ёш, ўсмир сифатида, келгуси ҳаётга вакил бўлиб кириб келаётган шахс сифатида ўзимиз ҳам айбнинг бирон қисмини ўзимизга олгимиз келмайди.

Умуман инсон ўта мослашувчан жонзот бўлганидан биз ёшлигимизда бизга берилган ёки ҳаётимизга дуч келган қулайлик ва ноқулайликларга шунчалик тез ўрганиб кетамизки, гўё бизнинг тақдиримиз бизнинг ўзимизга алоқадор эмасдай.

Ота-онамиз бизга қанчалик кийим-кечакларни кўпроқ ва замонавийроқларини олиб берса, биз яна ҳам янгироқ ва яна ҳам замонавийроғини талаб қиламиз. Уларнинг қаердан келаётганини, қандай пулларга олинаётганини билсак ҳам, билишга ақлимиз етиб қолгандан кейин ҳам тўхтамаймиз. Чунки тайёрига ўрганиб бўлдик. Ёки баъзи ота-оналарнинг ўз вақтида ўзлари кўрмаган қўли очиқликларни болаларига бермоқчи бўлганини кузатасиз. Оиладаги охирги иқтисодий имкониятлар, оилага гўшт олиниши керак бўлган пул ўсмир боланинг инжиқлиги учун бирон ўйинчоққа сарфланаётганини кўриб, ачиниб кетасан.

Ота-онангизни бирон ўйинчоқни олишга кўндира оляпсизми, демак, уларни сиз ўз мақсадингиз йўналишида хоҳлаган нарсага кўндиришингиз мумкин. Агар шундай экан, нима учун сиз ўзингиз, ўз эртангизни ўйламайсиз. Ахир, эртанги ҳаёт ота-онангизники эмас, айнан сизники-ку. Эртанги ҳаётда фақатгина истеъмолчи бўлиб яшашнинг оқибатлари нималар билан тугашини сиз энди тушуниб етиб улгурдингиз. Ота-онангизнинг имкониятлари, уларнинг сизнинг олдингизда абадий бўлмасликлари, қолаверса, ҳаёт сизники эканлигини тушуниб етиш вақти келмадими?

Тўғри, бугунги кунда ота-онадан кўплаб моддий имкониятлар қолиши мумкин. Аммо, ҳаётнинг лаззати ўз ижодкорлигингизда эканлигини кейинроқ тушуниб пушаймон бўлманг, демоқчимиз, холос.

**Маҳмуд ЙЎЛДОШЕВ**




## "Насаф" яна мағлубиятга учради

***Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати олий лига жамоалари ўртасидаги учрашувлар ҳам кескин курашлар остида якунланмоқда. Ўтказилган 19-тур ўйинлари чемпионат пешқадами "Насаф" мағлубияти билан якунланди.***

Негадир мавсумни кўтаринки бошлаган Олег Морозов шогирдлари чемпионлик учун курашни сўнгги турларда сусайтириб юборишди. Анча турлардан буён мағлубиятга учрамай келаётган қаршиликлар 17-турда "Тўпаланг"га имкониятни бой берганди. Бу турда эса Тошкентда "Трактор"дан мағлубиятга учрашди.

"Трактор" майдонида ўтган мазкур баҳсда "Насаф" 4:2 ҳисобида мағлубиятга учради. Бу эса шубҳасиз "Пахтакор" учун ажойиб имконият. Равшан Ҳайдаров шогирдлари захирадаги ўйинида ғалаба қозонса, "Насаф"дан 3 очко ошиб кетади.

Турнинг яна бир марказий ўйини бронза медал учун курашаётган "Нефтчи" ва "Машъал" ўртасида ўтиб, мубораклик футболчилар фойдасига ҳал бўлди.

19-тур учрашувлари натижалари:

"ШЎРТАН" – "ПАХТАКОР" 0:3 (0:0).
Голлар: Жепаров, 65; Соломин 71; Ихероуме, 84

"НЕФТЧИ" – "МАШЪАЛ" 1:3 (1:2)
Голлар: Отақўзиев, 30 – Мирхолдиршоев, 5, 42; Ваҳобов, 87

"НАВБАҲОР" – "ҚИЗИЛҚУМ" 2:1 (2:1)
Голлар: Назаров, 5; Овеков, 39 – Қуттибоев, 29

"ТРАКТОР" – "НАСАФ" 4:2 (2:0)
Голлар: Ҳасанов, 23, 30; Новкаров, 52; Умурзоқов, 89 – Холмуродов, 62; Аннаматов, 86

"СЎҒДИЁНА" – "ЛОКОМОТИВ" 1:4 (0:1)
Голлар: Бадуллаев, 90+2 – Идиатуллин, 28, 47; Клишин, 65, 68

"БУХОРО" – "САМАРҚАНД-ДИНАМО" 1:0 (1:0)
Голлар: Иноғомов, 2

"МЕТАЛЛУРГ" – "ТЎПАЛАНГ" 2:1 (1:1)
Голлар: Қурбонов 28, 55 – Востриков, 19

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1 | "Пахтакор" | 18 | 44 |
| 2 | "Насаф" | 19 | 44 |
| 3 | "Машъал" | 19 | 40 |
| 4 | "Нефтчи" | 19 | 30 |
| 5 | "Навбаҳор" | 19 | 28 |
| 6 | "Локомотив" | 19 | 28 |
| 7 | "Тўпаланг" | 19 | 26 |
| 8 | "Қизилқум" | 18 | 25 |
| 9 | "Самарқанд-Д" | 19 | 24 |
| 10 | "Металлург" | 19 | 23 |
| 11 | "Трактор" | 22 | 22 |
| 12 | "Бухоро" | 22 | 22 |
| 13 | "Сўғдиёна" | 19 | 18 |
| 14 | "Шўртан" | 19 | 10 |

## Ўзбекистон очиқ чемпионати

***21 сентябр куни Тошкентда бадминтон бўйича Ўзбекистон очиқ чемпионати бошланади. Айни кунларда тайёргарлик кўрилаётган мазкур чемпионатда Осиёнинг бир қатор давлатларидан ҳам спортчилар иштирок этиши кутилмоқда.***

Биринчиликда ушбу спорт турининг эркаклар ва аёллар ўртасида яккалик ҳамда жуфтлик баҳсларида ғолиблар аниқланади. Ўзбекистон шарафини мазкур мусобақаларда бир қатор турнирлар ғолиби бўлган, тажрибали спортчиларимиз Яна Катеринич, Анна Смирнова, Влада Солохо, Рафаэл Закиров, Алишер Зоҳидов, Андрей Битиев кабилар ҳимоя қилишади.

Чемпионат ғолиб ва совриндорлари 25 сентябр куни аниқланади.

## Дэвид Жеймс: Рунига врач керак

***Англия терма жамоаси дарвозабони Дэвид Жеймс ўзининг "Манчестер Юнайтед"даги ҳамкасби Уэйн Руни учун шифокорлар ёрдами кераклигини жамоа мураббийлари ва мамлакат футбол федерацияси раҳбарларидан сўраган.***

Шу ўринда Англия профессионал футболчилар Ассоциацияси директори Гордон Тэйлор ҳам Рунини "Манчестер Юнайтед" ўйинида ўзини тута олмаганидан сўнг ҳақиқатан ҳам бу футболчига шифокорлар зарурлигини айтиб ўтган.



Дарвозабоннинг сўзларига кўра, Руни ҳали ёш ва у майдондаги ҳар хил вазиятларда ўзини қўлга ола билмаяпти. "Фикримча, Руни руҳшуносга учраши лозим. Одамлар руҳшуносга учраганларни ақлдан озганга чиқаришади. Лекин бу нотўғри хулоса. Руҳшунос одамларга ҳар қандай вазиятда ўзини бошқара олишни маслаҳат беради".

19 ёшли бу иқтидор эгасининг жамоадошларини фикрича, у ҳатто машғулотлар давомида тўпни олдириб қўйса ҳам юзи бирдан ўзгаради. Бу ҳолат унинг жуда ҳам қизиққон футболчилигидан. Лекин "Қизил иблислар" мутасаддилари "Рунида ҳозир ҳаммаси жойида эканлиги ва баъзи-баъзида у ўз эҳтиросларини жиловлай ололмаётгани" ҳақида айтиб ўтишган.

Эслатиб ўтамиз, Руни ҳақидаги бу гап-сўзлар Чемпионлар лигаси "Вильерреал" ва "Манчестер Юнайтед" ўйинида майдондан четлатилганидан сўнг ОАВда пайдо бўлганди.

## Россия Федерацияси Кубоги соҳиби

***Париждаги Филипп Шатрие номли кортда теннис бўйича терма жамоалар ўртасидаги Федерация Кубоги баҳслари финал ғолиби аниқланди.***

Франция пойтахтида ўтган мазкур қизиқарли баҳсларда Россия ва мезбонларнинг энг иқтидорли аёл теннисчилари ғолиблик учун кураш олиб борди.



Франциядан ҳал қилувчи учрашувларда Мэри Пирс ва Амели Моресмолар кортга чиқишган бўлса, россияликлардан Елена Дементьева, Анастасия Мискина ва Динара Сафиналар курашга киришди. Умумий ҳисобда 2:1 ҳисобида ғалаба қозонган рус теннисчилари кетма-кет иккинчи йилдирки, Федерация Кубогида бош совринга эгалик қилмоқда.

**Фазлиддин АБИЛОВ тайёрлади.**

ЎҚИНГ, ҚИЗИҚ!

## Қум тагидаги... шаҳарлар

***Ҳиндистоннинг Тамил-Маду штатида Макабалипуран шаҳри жойлашган. Бу ерда 2004 йилнинг декабрида юз берган сув тошқини натижасида тахминан IV асрда бунёд этилган ибодатхона топилганди.***

Офат пайтида қайғидан ажралган балиқчи шу ибодатхонанинг баланд минорасига чиқиб жон сақлаб қолади. Баҳайбат тўлқинлар қирғоқдаги қумларни ювиб, ибодатхонанинг иккинчи қисмини очиб ташлайди ва археологлар учун ноёб "топилма"ни пайдо этади.

Эроннинг Форс эллин маконида эса исломгача тараққий этган маданиятнинг бешиги бўлиб ҳисобланадиган 77 та қадимий шаҳарлар топилган. Бу шаҳарларда ғорлар, металл эритадиган печлар, шахталар, тегирмонлар ва ҳатто мозорлар ҳам бор экан.

Марокашлик археологлар Саҳрои Кабирнинг жанубидаги қадимий барбарлар маданиятига тегишли Аргилас шаҳрини қум тагидан кавлаб олишган. Олимларнинг айтишларича, 9 минг йил илгари мазкур шаҳарда ҳаёт "қайнаган" экан.

**Қидирбой ТЎЛАБОЕВ тайёрлади.**

## Эзгу ният

***Саноат шаҳрига айланган Тахиатошда соғлиқни сақлаш тизимида ҳам эътиборга молик ишлар амалга оширилмоқда. Эллик мингдан зиёд аҳоли саломатлигига ўзини масъул деб билган қўли гул шифокорлар шу эзгу ният йўлида сидқидилдан меҳнат қилишмоқда.***

Беморни даволаш учун аввало ўша жойда кўнгилдагидай шароит зарур. Шаҳар марказий шифохонасида кенг миқёсда капитал таъмирлаш ишлари олиб борилди. Шифохонанинг туғруқхона, терапия ва болалар бўлимлари жойлашган бинолар томи шифер билан қопланди, қолган барча бўлимлар, катталар ва болалар поликлиникалари, шу ерга қарашли дорихона ҳам таъмирланди. Айни пайтда шифохона озода ва шинам масканга айланган.

Шифохонанинг ички захиралари асосида 20 ўринли шошилинч тез ёрдам бўлими, патология-анатомия бўлими яратилди, учта тез ёрдам автомашинаси беморларга хизмат қилмоқда.

- Мамлакатимизда Жаҳон Тикланиш ва тараққиёт банки билан ҳамкорликда "Саломатлик" лойиҳаси асосида кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда, - дейди олий тоифали бош шифокор Ҳалима Ибодуллаева. - Лойиҳанинг иккинчи босқичи доирасида шифохонамиз диагностика-лаборатория ускуналари билан таъминланди. Шунингдек, кадрлар малакасини оширишга ҳам жиддий эътибор қаратилган. Нукусда кўчма циклда 60 га яқин тиббиёт ходими билимларини такомиллаштирдилар. 13 шифокор ва битта ҳамшира Тошкент шаҳрида билим ва кўникмаларини орттириб қайтишди. Бу ерда беморларга кўплаб биринчи ва иккинчи тоифали шифокорлар хизмат кўрсатишяпти.

**2005 йил – «Сиҳат-саломатлик йили»**

Жорий йилнинг «Сиҳат-саломатлик йили» деб аталиши тиббиёт ходимларига катта масъулият юклади. Бунёдкор халқимизнинг саломатлигини асрабавайлаш бизнинг шарафли бурчимиз, эзгу ниятимиз ҳамдир.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

Табиат мўъжизаси



Б.АКРАМОВ олган сурат-лавҳа.

## Қариликни – қалам енгади

***Қурбон Бадалий бир кам юз ёшда. Бухоро вилоятидаги Галаосиё шаҳарчасида истиқомат қилаётган бу отахон 78 йилдирки, матбуот билан ҳамнафас. Ҳажман кичик, аммо мазмунга бой мақолаларини ўқиганда ҳузур қиласиз.***

Вилоят ва туман газеталарида "Қурбон Бадалий" деган имзони кўрганда ҳамкасбларимиз "Устоз қариликни қалам билан енгганлардан" деб фахрланиб қўйишади.

Қурбон Бадалий Фитрат қўлида сабоқ олган, у билан яқин мулоқотда бўлган. Суҳбатлашсангиз тирик тарих, дейсиз.

–Ўтган асрнинг ўттизинчи йилларида "Бухоро ҳақиқати" вилоят газетасида мухбирлик қилганман, - дейди у. –Уруш бошлангач, фронтга кетдим...

Унгача эса... Қурбон Бадалий вилоят театрида актёрлик ҳам қилган. 1927-1932 йилларида Бухоро мусиқали драма ва комедия театри саҳнасида намойиш қилинган "Ҳалима", "Абдулфайзхон",

ҲАВАС

драмаларида бош ролларни ижро этган, бадиий ижод билан ҳам шуғулланган, 1933 йилда шоир Султон Жўра билан шеърий тўплам чоп эттирган, машҳур ҳофиз домла Ҳалим Ибодов билан саҳнада қўшиқ айтишган бу инсоннинг фаолияти ғоят серқиррадир.

Қурбон Бадалий бир суҳбатда "Тўпни ҳам ўз измимизга бўйсиндирганмиз" деганди. Чиндан ҳам у киши журналист, шоир, педагог, актёр бўлиш билан бирга футболга ҳам алоҳида меҳр қўйган. 1928 йилда Ўзбекистон терма жамоаси сафида Москвада ўтган спартакиадасида юртимиз шарафини ҳимоя қилган. Ўшанда "Прожектор" журналида унинг дарвозасига чалқанчасига туриб тўп йўллаётган ҳолати акс этган сурати босилган.

–Сиз, ёшларга ҳавасим келади, - дейди у. –Истиқлол берган неъматлардан баҳрамандсиз. Шукур, устозим Абдурауф Фитрат орзу қилган кунларни кўрдим. Мендан бахтли инсон бўлмаса керак. Ҳамма гап шу кунларнинг қадрига етишда.

Аср билан юзлашаётган журналист отахоннинг бу сўзлари изоҳга муҳтож эмас.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

Юнусходжаев Рустамходжа Сурхондарё вилояти Шеробод шаҳар Мустақиллик кўчаси 1-уйда жойлашган "Шеробод пахта" очиқ акциядорлик жамияти Устав фондининг 16,3 % ини ташкил этадиган 33471 дона оддий акцияларни сотиб олишини маълум қилади.

Утерянный гос.ордер № 05-02/8483 от 27.02.1993 г. права собственности Ким Александр Геннадиевич на квартиру, считать недействительным.

ЧФ "KLASS-A" Мирза Улугбекского района г.Ташкента преобразуются в частное предприятие "KLASS-A". Претензии принимаются в течении одного месяца со дня опубликования объявления. Тел.: 67-98-48.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази жамоаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Бош бошқармаси бошлиғи Оловуддин Ибрагимовга отаси, қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди

**Ҳусниддин ИБРАГИМОВ**нинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Чорвачилик илмий-тадқиқот институти жамоаси институт етакчи олими, қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди

**Ҳусниддин ИБРАГИМОВ**нинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва қариндош-уруғларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Саид АҲМАД, Озод ШАРОФИДДИНОВ, Ағитай АДИЛОВ, Фахриддин КАЛОНОВ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Суннат САЙДАЛИЕВ, Ҳабиб ТЕМИРОВ, Ғафур ШЕРМУҲАММАД.

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар

ТЕЛЕФОНЛАР: Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими – 136-58-83, 136-56-25, Котибият - 133-95-17, Реклама ва эълонлар - 133-44-43, 136-54-44, 133-28-04, Факс - 133-44-43, 133-40-87

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ: Қорақалпоғистон Республикаси – 8-361-58-512-17; Андижон – 8-374-22-234-08; Бухоро – 8-365-22-644-61; Жиззах – 8-372-22-648-72; Навоий – 8-436-22-60-525; Наманган - 8 – 369-41-234-23; Фарғона – 8-373-61-221-97; Самарқанд – 8-366-2-33-70-57; Сурхондарё – 8-376-46-526-61; Сирдарё – 8-367-37-23-813; Тошкент – 8-371-136-56-21; Хоразм – 8-362-22-623-50; Қашқадарё – 8-375-22-517-65.

Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар
ⓗ -тижорат мақола

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Навбатчи: С.РАҲМОНОВ
Саҳифаловчилар: Р. ЁДГОРОВ, А. САФОНОВ
Мусаҳҳиҳ: М. БЕКИЕВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2003 йил 20 ноябрда № 050 - рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Газета сешанба, пайшанба ("Ҳаёт"-илова), жума кунлари чиқади.

Буюртма Г-719 , ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

Босишга топшириш вақти: 21.00. Босишга топширилди: Адади -9709

Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

E-mail: kishlokhayoti@mail.ru